



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НОМИГА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОСИМ-ЖОМАРТ ТОҚАЕВДАН МАКТУБ КЕЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига Қадрли Шавкат Миронович!

Нафақат Марказий Осиё, балки бутунжаҳон цивилизацияси дурдонаси бўлган қадимий Бухоро шаҳрига амалий таширфим чоғида кўрсатган алоҳида меҳмондўстлик ва самимият учун Сизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон бу бебаҳо бойликини асраб-авайлаб, бойитиб, буюк ўтмишни замонавий эҳтиёжлар билан уйғунлаштириб келаётгани мени ҳайратга солди. Бухоронинг бугунги гўзал қиёфаси Сизнинг Янги Ўзбекистонинг барпо этишга қаратилган оқилона ва бунёдкорона сиёсатининг юксак самарадорлигининг яққол ифодасидир.

Пухта ўйланган тадбирларга бой таширфининг ўзи, шубҳасиз, фойдали бўлди. Назаримда, Бухородаги бир кунлик музокара-лар узок муддатли сиёсий самараси жиҳатидан расмий таширфидан асло қолишмайди.

Учрашувимиз Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун янги уфқларни очди, давлатлараро стратегик ҳамкорликни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилди.

Остонага қайтган, эришилган ва тасдиқланган қилишувларни амалга ошириш,

шунингдек, мамлакатининг турли соҳалардаги фойдали тажрибасини ҳисобга олиш бўйича аниқ топшириқлар бердим. “Тоза ҳаво” қўшма ташаббусига алоҳида аҳамият бераман.

Ишончим комилки, биз қўйган вазифаларнинг сифатли бажарилиши Қозоғистон — Ўзбекистон стратегик шериклиги ва иттифоқчилигини янги чўққиларга олиб чиқишга хизмат қилади.

Қозоғистон учун катта маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган архив материалларини тақдим этганингиз учун алоҳида миннатдорчилик билдираман. Бу ҳаракат Сизнинг бағрикенглигингиз ва қозоқ халқига бўлган илиқ муносабатингиз, қардош мамлакатларимиз тарихини муносиб эътироф этишингиздан далолат беради.

Хурматли Шавкат Миронович! Сизга ва оилангизга чин қалбидан сизгит-саломатлик ва бахт-саодат, Қозоғистоннинг абадий дўсти, иттифоқчиси ва стратегик шериги бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этишда янги муваффақиятлар тилайман.

Хурмат билан,

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун санъатсевар халқимизни 15 апрель — Маданият ва санъат соҳаси ходимлари кўни билан чин қалбидан муборакбод этаман.

Ушбу қутлуг айёмда ўзининг бетакрор истеъдоди, билим ва маҳорати билан эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган санъат усталари ва ёш ижрочиларга, барча соҳа ходимларига фидокорона меҳнати учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар қатори маданият ва санъат тизимини замонавий талаблар асосида ривожлантириш бўйича ҳам кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада соҳанинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланиб, ходимларнинг ижодий меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда. Театр, кино, музей ва маданий тадбирлар, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати изчил яхшиланимоқда.

Замонавий бошқарув механизмлари жорий этилиб, давлат-хусусий шериклик асосида янги ижодий лойиҳалар, рақамли технологиялар ва илгор тажрибалар амалиётга таътиб этилаётгани, маданий контент яратиш кўлами кенгайиб бораётгани маданият муассасалари фаолиятида самарадорлик ва жозибадорликни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда юртимизда 2 та театр, 19 та маданият маркази, 16 та

музей, 20 та мусиқа ва санъат мактаби ҳамда ушбу йўналишда 5 та олийгоҳ ташкил этилди, кўплаб муассасалар замонавий жиҳозлар билан таъминланди, 125 та тарихий-маданий мерос объектида уларни асраш ва тиклаш бўйича зарур ишлар амалга оширилди.

Ўтган йили тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантириш бўйича алоҳида қарор қабул қилдик. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Миллий музейи биноси қурилиши бошланди. Жорий йилда эса Марказий кўргазмалар зали, Бадиий кўргазмалар дирекцияси фондининг биноси, Павел Беньков номидаги рассомлик мактабида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилади, соҳа ходимларини кўллаб-қувватлаш бўйича зарур чоралар кўрилади.

Яна бир муҳим жараён — ўзбек маданий дипломатияси изчил ривожланимоқда. Нуфузли халқаро форумлар, танловлар, фестиваллар ҳамда маданий кунлири мунтазам ўтказиб келинмоқда. Хусусан, ўтган йили Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессияси, Бухорода Биринчи халқаро замонавий санъат биеннаlesi, Нукусда Орол маданияти саммити, Хоразмда Туркий дунё маданият форуми, Тошкентда эса Марказий Осиё ва Озарбайжон маданият вазирларининг биринчи учрашуви юқори савияда ташкил этилди.

Энг муҳими, Ватанимизнинг санъат соҳасида халқаро жараёнлардаги иштироки кенгайиб, нуфузи ортиб бормоқда.

Ўзбекистонлик санъаткорларнинг Европадаги нуфузли маданият масканларидаги чиқишлари хорижлик санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Австриянинг Зальцбург шаҳридаги Grosses Festspielhaus сахнасида Ўзбекистон Миллий балети гурӯҳи томонидан “Лазги. Муҳаббат ва қалб рақси” балети намойиш этилганини таъкидлаш лозим.

Шу йил 9 апрелда яна бир йирик санъат маскани — Musikverein сахнасида Соҳибқирон Амир Темур бобоимизнинг 690 йиллик таваллуд санасига бағишланган мусиқали опера асарининг тақдими ўтказилди.

Миллий кино санъатимизни ривожлантириш, хусусан, “Тирик тарих” туркумида гоявий ва бадиий юксак асарлар яратиш борасидаги ишлар дастлабки натижаларни бермоқда. Ўтган йили давлат буюртмаси асосида 123 та кинофильм тайёрланиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Ўтган йилнинг ўзида соҳада узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган 35 нафар ходим уй-жой билан таъминланди. Маданият муассасалари ходимлари иш ҳақи ўртача 35 фоизга оширилди. Драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий, ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев, ёш хонандалар учун Ботир Зокиров номидagi мукофотлар ҳамда маҳаллий ва хорижий ижодкорлар учун “Келажак мероси” халқаро мукофоти тақдим этиб келинмоқда.

Муҳтарам ватандошлар! Бугунги кунда маданият ва санъат соҳасини маънавий тарбия воситаси ва креатив иқтисодийнинг муҳим тармоғи сифатида ривожлантириш, ижодий индустрияни қўллаб-қувватлаш, маданий хизматлар бозорини тараққий эттириш, санъат маҳсулотлари экспортини кенгайтириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Янги ташкил этилаётган Креатив индустрия парки аниқ шу мақсадларга хизмат қилади. Биз бу борада катта марра олиб, 2030 йилгача креатив иқтисодийнинг янги ички маҳсулотдаги улушини 5 фоизга етказамиз.

Албатта, бу улкан режа ва ташаббусларни амалга оширишда сиз, жонқуяр ва фидойи инсонларнинг ўрни беқиёсдир. Сизларнинг билимингиз, тажрибангиз ва ижодий салоҳиятингиз миллий маданиятимизни янги босқичга олиб чиқишга ишончим комил.

Биз бундан буён ҳам соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижодий ва техник ходимлар меҳнатини муносиб қадрлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, янги ижодий ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР, ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 апрель куни уй-жой қурилиши ва урбанизация соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбирда жойлардаги студиялардан видеоалоқа орқали 500 дан зиёд тадбиркор, қурувчи, лойиҳачи, архитектор ва шаҳарсозлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари барча тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсish бўйича белгиланган катта марраларга эришишда қурилиш соҳаси алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Таҳлилларга кўра, қурилишга киритилган ҳар 1 доллар иқтисодиётга

2-3 долларлик самара келтиради, соҳада яратилган битта иш ўрни эса бошқа тармоқларда яна 5 тагача иш ўрнининг пайдо бўлишига хизмат қилади.

Сўнгги тўққиз йилда мамлакатимизда қарийб 10 мингта янги қурилиш корхонаси иш бошлади. Айланмаси 1 триллион сўмдан ошган 20 та, 100 миллиард сўмдан юқори кўрсаткичга чиққан 365 та йирик компания шаклланди. Лойиҳа

ташкilotлари сони 2 мингдан ошиб, уларнинг 650 дан зиёди халқаро сертификат олди.

Шу даврда қурилиш соҳасида руҳсат бериш босқичлари 3 қарра, муддатлар 4 қарра қисқартирилди. 420 та шаҳарсозлик норма ҳамда қондалари бирлаштирилиб, эскилари бекор қилинди ва 140 та янги норма ва қоида тасдиқланди.

Натижада ўтган йиллар мобайнида 210 миллион квадрат метр бино-иншоот, 647 минг хонадонли 15 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жой барпо этилди. Қурилиш ишларининг ҳажми 2016 йилдаги 30 триллион сўмдан ўтган йили 314 триллион сўмга етди. Бугун қурилиш, қурилиш материаллари ва уларга ёндош соҳаларда 3,5 миллион аҳоли банд.

► Давоми 2-бетда

НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БАРҚАРОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга нефть-газ тармоғида барқарор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таъминлаш ва молиявий-иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисобот берилди.

“Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти тизимида жорий йилнинг биринчи чораги якунлари, иккинчи чорадаги асосий вазифалар, ишлаб чиқариш ҳамда молиявий кўрсаткичлар динамикаси кўриб чиқилди.

Тармоқда қазиб чиқариш ҳажмларини барқарорлаштириш, мавжуд йўқотишларни қоплаш, қудуқларни ишга тушириш, таъмирлаш ва технология тадбирлар изчиллик билан олиб бориш муқим. Шу билан бирга, харажатларни мақбуллаштириш, дебитор қарздорликни қисқартириш, ресурслардан самарали

фойдаланиш ҳамда айрим йўналишларда бозор механизмларини такомиллаштириш бўйича ишланмоқда.

Қудуқлар самарадорлигини ошириш ва қазиб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада халқаро компаниялар билан ҳамкорликда бир қатор технологик ечимлар ўрганилаётгани ва уларни босқичма-босқич амалиётга киритиш кўзда тутилаётгани таъкидланди.

Геология-қидирув ишларини кенгайтириш, янги истиқболли майдонларни аниқлаш ва уларни ўзлаштириш бўйича

олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Жумладан, 2D ва 3D сейсмик-қидирув тадқиқотлари кўламини ошириш, янги майдонларда бурғилаш ишларини бошлаш, бурғилаш дастурларини халқаро талаблар асосида ташкил этиш, шунингдек, супер-вайзинг, геологик-гидродинамик моделлаштириш ва лойиҳалаштириш жараёнларини янада такомиллаштириш чоралари кўриломоқда. Қайд этилганидек, жорий йилда бир қатор янги майдонларда иш бошланган бўлиб, навбатдаги босқичларда бу ишлар янада кенгайтирилади.

ЎЗА



Янги Ўзбекистон руҳи

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ: ДАВЛАТНИ ҚОНУН, ЖАМИЯТНИ ИЛМ, ТАРТИБНИ АДОЛАТ УШЛАБ ТУРАДИ

Инсоният тарихида шундай манбалар борки, уларни ўқиб ўтмишни эслаш эмас, балки келажакни англаш демакдир. “Темур тузуклари” шундай асарлардан бири. У бир ҳукмдорнинг шахсий тажрибасидан иборат бўлмай, унда давлат қандай қурилиши, жамият қандай юксалиши ва тараққиёт қандай таъминланиши ҳақидаги мукамал тафаккур муҷассам.

Асарни фақат бир ҳукмдорнинг кўрсатмаси, бир даврнинг ёдномаси ёки сарой одоби ҳақидаги матн сифатида ўқиб унинг ҳақиқий қудратини камайтириш бўлади. Аслида, бу асар давлат қандай қурилиши, жамият қандай уйғунлашиши, илм қандай қадр топиши ва адолат қандай амалга айланиши ҳақидаги сиёсий тафаккурнинг пишиқ баёнидир. Амир Темурнинг буюклиги жангда эмас, тизимда, илми ресурсга айлантириганида, қонуни устун қўйганида ва маданиятнинг давлат сиёсати даражасига кўтарганида намоеён бўлади.

Амир Темурни фақат саркарда сифатида қабул қилиш тарих олдида

адолатсизлик бўлади. У, аввало, давлат тафаккурини тартибга солган сиёсатчи эди. Унинг қудрати ҳудуд кенглиги, ҳукм аниқлиги, қўшин сониди бўлмай, қарор мантисида, ҳарбий кучда эмас, тартибда эди. Шунинг учун Темур тузукларини ўқиб эканмиз, кўз олдимизда давлатни қон томирларига тушунган мафкуравий раҳбар гавдаланади. Асарнинг мазмунида давлатчилик, илм-фан, маданият, адолат ва инсон қадрини бир-биридан узилмай, аксинча, ягона цивилизацияон замирининг халқалари сифатида ифодалангани бежиз эмас.

► Давоми 3-бетда

ЎЗБЕК ШАХМАТИ ФЕНОМЕНИ



Ифтихор

ЖАВОҲИР СИНДОРОВ ШАХМАТ БЎЙИЧА 2026 ЙИЛГИ НОМЗОДЛАР ТУРНИРИДА МУДДАТИДАН ОЛДИН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Бир неча минг йиллик тарихга эга жаҳон шахматида ўзидан муносиб из қолдиришининг улдасидан чиққанлар, таажжубки, у қадар кўп эмас. Бугунгача шахмат тожиги эга чиқиб, мутлақ жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлганлар эса бор-йўғи 18 нафарни ташкил этади. Аини кунда ўзбек ўғлини ҳам ушбу унвон учун амалдаги жаҳон чемпиони билан яқкама-яқка баҳсга киришишга ҳозир. Бундай имкониятга эга чиқиш учун эса ўта мураккаб, оғир синовлардан ўтиш талаб этилади.

Ўзбекистонлик ёш халқаро гротмейстер, жаҳон кубоғи соҳибини Жавоҳир Синдоров кеча ушбу йўлдаги охириги, энг қийин босқич — 2026 йилги Номзодлар турнирида муддатидан олдин голибликка эришиб, амалдаги шахмат тожи эгаси ҳиндистонлик Гукеш Доммаражу билан донна сурниш имкониятини кўлга киритди. Мусобақа якунига бир тур қолганида асосий таъкибчиси нидерландиялик гротмейстер Аниш Гири билан мураккаб қарама-қаршилиқда дуранг натижага қайд этди ҳамда 13 имкониятдан 9,5 очко жамгарган ҳолда орадаги икки очколик фарқни сақлаб қолиб, турнир мобайнидаги

доминант етакчилиги тасодиф эмаслигини яна бир бор тасдиқлаб қўйди.

Умуман, Кипр мезбонлигида ўтган бу галги турнир ўта юқори рақобат, кескин интелектуал кураш ва тарихий натижалар билан ёдда қолди. Соврин жамгармаси 700 миң еврони ташкил этадиган ушбу мусобақа дунё рейтингидagi саккиз нафар энг кучли гротмейстерларни бир майдонга жамлади. Ҳамюртимиз, жумладан, Аниш Гири, Фабиано Каруана, Ҳижара Накамура, Рамешбабу Праггнанандха каби кучли гротмейстерларга қарши ишончли ўйин кўрсатиб, ҳали турнир тарихида кузатилмаган ноёб ҳолат — олти ғалабали партия билан

рекорд натижага қайд этди. Қизғин, сўнгги турда Жавоҳирнинг ўзи мазкур рекордни яна бир бор янгиллаб қўйиши мумкин.

Жавоҳир Синдоров ўтган йили Президентимиз билан мулоқотда жаҳон шахмат тожини Ўзбекистонга олиб келишни ваъда берган эди. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун у кеча Кипрда феноменал ўйин намойиш этди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ҳали бу фақат бошланғичи. Зеро, давлатимиз раҳбарининг шахматни қўллаб-қувватлаши натижасида мамлакатимизда яна юзлаб, минглаб жавоҳирлар, олтин авлод етишиб чиқяпти. Улар жорий йилнинг сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида донна суради. Ишонимизки, шахматчиларимиз “Ўзбек фарзанди, янги Ўзбекистон нимага қодир эканини дунёга тараннум қилишда”, зафарли одимлар билан халқимизни хушнуд этишида бардуров бўлади.

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Ният

Жавоҳир СИНДОРОВ ғалабасига

Ер шарининг учдан бир қисми Турғанида бобом қўлида. Не бир шоҳлар қалтираб жисми, Бош эгдилар унинг йўлида!

Шахматда ҳам шоҳ эди Темур, Кетган омад қайтмоғи ҳам бор... Жаҳон тожин бошингга, юртим, Кийгизади Жавоҳир Синдор!

Олам, тинч бўл! Олам, тургин тик! Тўхтамасин заковат жанги... Даҳоликка даъвогар ўзбек Ўзгартирар дунёнинг рангин.

Курашади оқ — қора очун, Ўнгу сўлда учар адоват.

Икки рангга бўлиниб нечун Гул баргида титрайди ҳаёт?!

...Дилга тушди чақмоқлар шахди, Уйғонмоқда улуглар ёди! Дунё, йўл бер! Ғалаба аҳди От сурмоқда Темур авлоди.

Олам қотди вақт уммониди: “Бу ўғлонни тўхтатар қай зот?!” Аждодларим унинг қонида Зафар ўтин ёқмоқдалар шод!

Ҳаёт — шахмат! Йўли оқ-қора! Гоҳо титрар ҳовучда жоним... Парвардигор, шу йўллар аро Голиб ўтсин Ўзбекистоним!

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Бугунги кунда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар 2,6 миллион гектарга ёки суғориладиган ер майдонларининг 60 фоизига етди. 2017 йилгача бу кўрсаткич 19 минг гектарни ташкил этарди. Замонавий технологиялар ҳисобига ҳар йили 2,5 миллиард куб метр сув тежалишига эришилмоқда.



ЗОМИН ТОҒЛАРИНИ ЮНЕСКОНИНГ БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ РЎЙХАТИГА КИРИТИШ БЎЙИЧА ОНЛАЙН МУЛОҚОТ

Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси кўмағида ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси маркази ҳамда Ўзбекистон Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси вакиллари ўртасида онлайн мулоқот ташкил этилди.

Ўшбу онлайн учрашув "Зомин тоғлари" табиий ҳудудини ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича номзодлик ҳужжатларини тайёрлаш жараёнига бағишланди.

Муҳокамада асосий эътибор номзодликни тайёрлашнинг илмий, техник ва ташкилий жиҳатларига қаратилди. Томонлар ҳужжатларини ҳалқаро талабларга ЮНЕСКОнинг белгиланган мезонларига тўлиқ мувофиқ ҳолда шакллантириш зарурлигини таъкидлади. Шу билан бирга, тақдим этилаётган материалларнинг ҳудуднинг табиий хусусиятлари ва экологик аҳамиятини тўлиқ ва ҳолис акс эттириши муҳимлиги қайд этилди.

Учрашувда ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси маркази номзодлар бўлими раҳбари Алессандро Бальсамо ҳамда ушбу бўлим мутахассиси Тьяго Лопес Ўзбекистон томонидан тайёрланган дастлабки материалларга юқори баҳо берди. Улар Зомин тоғлари ҳудудининг ўзига хос табиий ландшафти, биологик хилма-хиллиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бойлиги ҳамда табиий меросини алоҳида эътироф этди.

"Дунё" АА Париж

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР, ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Таъкидланганидек, тадбиркорлик учун ҳар йили 6,5 минг гектар ер, 600 минг квадрат метр бино-иншоотлар савдога чиқарилмоқда, кичик ва ўрта бизнес учун 140 триллион сўм ресурс ажратилмоқда. Лекин ер ва кредит каби асосий масалалар ҳал этилган бўлса-да, тадбиркорлар қурилиши бошлаш босқичида ҳалигача турли тўсиқларга дуч келмоқда, бу жараёнлар ойнаб-ойлаб қўйилмоқда.

Ингилишда урбанизация масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирги кунда юртимиз аҳолиси 38 миллиондан ошиб, урбанизация даражаси 51 фоизга етган, қарийб 20 миллион нафар аҳоли шаҳарларда яшамоқда. Давлатимиз раҳбари урбанизация даражасининг ҳар 1 фоизга ўсishi иқтисодийга камида 1 фоиз қўшимча ўсishi олиб келишини, инвестиция оқими, бизнес ва стартаплар фойдалиги, меҳнат унумдорлиги шунга мутаносиб равишда ортишини таъкидлади. Шу боис, республикада урбанизацияни барқарор ривожлантириш бўйича ягона ёндашув бўлиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Қайд этилганидек, бош режаларни ишлаб чиқиш учун бюджетдан йилга 200-250 миллиард сўм ажратилмоқда. Мазкур маблағлар, аввало, бош режаси йўқ ёки эскирган ҳудудларга йўналтирилиши лозим. Айни пайтда кичик шаҳар ва шаҳарчаларда ҳам йирик лойиҳаларни амалга ошириш истагида бўлган тадбиркорлар кўп, ammo шаҳарсозлик ҳужжатлари йўқлиги туфайли уларнинг ишлари тўхтаб қолмоқда.

Вилоят ҳокимлари ва Урбанизация қўмитасига жорий йилнинг ўзида бюджет маблағлари ҳисобидан 6 та шаҳар ва 44 та шаҳарча бўйича бош режаларни, 104 та қишлоқ бўйича мастер-режаларни янқулаш, бундан ташқари, ташаббускор тадбиркорлар билан бирга яна 50 та аҳоли пункти учун шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни бошлаш топширилди.

Ингилишда бош режа йўқлиги важи билан 2025 йилда ерни хусусийлаштириш бўйича 112 минг аризанинг 14 фоизи рад этилгани, бу эса 4 минг гектар ерни активга айлантириш имконияти ва бюджет учун қўшимча 550 миллиард сўм тушумни бой беришга сабаб бўлгани кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан уч ой ичида ерларни хусусийлаштиришга оид аржаларга инсон омилиси, 5-10 дақиқа ичида онлайн жавоб берадиган тизимга ўтиш вазифаси қўйилди.

Қолаверса, бош режаларни тасдиқлаш билан чекланиб қолиш мумкин эмаслиги таъкидланди. Уларда белгиланган сув, канализация, иссиқлик, газ, электр тармоқлари ҳамда йўлларнинг қачон, қайси навбатда ва қандай манбалар ҳисобидан қурилиши аниқ кўрсатилмагани танқид қилинди. Ҳар бир тасдиқланган бош режа бўйича уни амалга оширишнинг йилма-йил комплекс дастурлари ишлаб чиқиши, бу аҳоли, тадбиркорлар ва мутасаддиларга етказилиши шартлиги қайд этилди.

Шу боис, ҳар бир вилоят ҳокимига икки ой муддатда вилоят ва туман марказларининг тасдиқланган бош режаларини рўйбга чиқариш бўйича комплекс дастурларни яратиш топширилди. Улардаги тадбирларнинг қайси қисми республика ва маҳаллий бюджетдан, қайси қисми ҳалқаро молия ташкилотлари ҳисобидан молиялаштирилиши аниқ белгилаб берилиши шартлиги кўрсатилади.

Ер ва объектларни иқтисодий фаолиятга жалб этиш бўйича ҳам жиҳдий камчиликлар қайд этилди. Сўнгги тўрт йилда аукционда сотилган 11,5 минг гектар ернинг 3 минг гектаридида қурилиш бошланмаган. Шунингдек, аукционга чиқарилган 582 гектар ер участкаси ва 122 та давлат объекти бир йилдан бери сотилмай тургани кўрсатиб ўтилди.

Бунда хусусийлаштириш дастурини шакллантиришда ҳам, объектларни сотишда ҳам ҳокимларнинг ўрни сезилмаётгани, тадбиркорларнинг фикри олдиндан ўрганилмаётгани танқид қилинди. Аслида, ҳар бир объектни сотишда ҳудудга инвестиция жалб қилиш ва маҳалла учун янги иш ўрни яратиш биринчи ўринда туриши лозимлиги таъкидланди.

Шу боис, энди хусусийлаштириш дастурига объектларни киритиш, уларни сотиш ва инвестиция самарадорлигини таъминлашда ҳокимлар Давлат активлари агентлиги билан тенг масъул бўлиши белгиланди. Хусусийлаштириш доирасида бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган объектлар учун қолдиқ суммага ҳар йили 14 фоиз устима ҳисоблаш амалиёти ҳам бекор қилинади.

Ингилишда қурилиш соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомилларини содда-лаштириш масаласи ҳам муҳокама марказида бўлди. Ўтган йили қурилиш билан боғлиқ 2 миллион 600 мингдан зиёд аризанинг учдан бири рад этилгани, бу ҳолат ортида кўп ҳолларда коррупция ва ортинча бюрократик говлар тургани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари бундай муаммоларга барҳам беришнинг энг самарали йўли рақамлаштириш ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш эканини таъкидлади.

Ҳозирги тизимда аҳоли ва тадбиркорлар аввал лойиҳалашга руҳсат олиш, кейин архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш учун алоҳида-алоҳида ариза бериб, ойнаб вақт йўқотмоқда. Тошкент шаҳрида ушбу икки хизматни бир босқичда қилиши, бу аҳоли, тадбиркорлар ва мутасаддиларга етказилиши шартлиги қайд этилди.

Коммунал тармоқларга уланishi бўйича техник шарт олишда ҳам аҳоли ҳар бир идорага алоҳида мурожаат қилишига тўғри келмоқда. Энди 1 йилдан битта ариза ва битта тўлов орқали электр, газ, сув ва канализация тармоқлари борасида техник шарт олиш имкони яратилади.

Сансалорликнинг яна бир сабаби сифатида жойларда шаҳарсозлик кенгашига аъзо 26 та идора ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик йўқлиги кўрсатилди. Шу муносабат билан шаҳарсозлик кенгашига таъкид қилиниши шартлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга уч ой ичида қурилиш руҳсат олишдан тортиб, объектни фойдаланишга топширишгача бўлган барча жараёнларни чуқур таҳлил қилиб, талаблар, муддатлар ва тўловларни камида икки баробарга қисқартириш бўйича қарор лойиҳасини киритиш топширилди.

Қурилиш сифати ва назорат масалалари ҳам танқидий муҳокама қилинди. Ўтган йили қурилиш объектларида лойиҳачи ва бюротмачи назоратчилари томонидан 42 мингта камчилик, Қурилиш инспекцияси томонидан эса яна 250 мингдан ортиқ қондабузарлик аниқланган. Бунга лойиҳачи ва бюротмачиларда муаллифлик ҳамда техник назорат бўйича манфаатдорлик пастлиги сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Шу боис, жорий йил 1 июндан бошлаб давлат бюротмачилари фаолияти тўлиқ КРІ асосида баҳоланиши, ҳодимлар ойлиги 3 қарра оширилиши белгиланди. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун объект қийматининг 5 фоизигача маблағ ажратилади, муаллифлик назорати учун эса алоҳида шартнома асосида тўлов қилинади. Энди техник ёки муаллифлик назоратчиси масъул бўлган объектда кўп-кўп қораткич говлар тургани қайд этилди.

ЎЗА

Нуқтаи назар

ТЕЖАМКОРЛИКДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИККА ЭРИШИШ ТАМОЙИЛИ ФЕРМЕРЛАР ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИГА ҲАМ АЙЛАНДИ

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, 2030 йилга бориб, мамлакатимизда сув танқислиги кузатилиши ҳамда бунинг оқибатида Ўзбекистон дунёдаги сув танқис бўлган 33 давлат қаторига тушиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас.

Очиқ айтиш керак, бундан ўн йил аввал мамлакатимиз сув ҳўжалиги тизими қатор муаммолар билан тўқнаш келган эди. Хусусан, ирригация тармоқларида сув ва энергия йўқотишларининг юқори даражаси, каналлар ва насос станцияларининг эскирган инфратузилмаси, замонавий технологиялар ҳамда инновациялар етишмаслиги, бу борадаги илмий тадқиқотларнинг етарли молиялаштирилмаслиги каби муаммоларга ечим топиш мушкул эди.

2017 йилдан бошлаб соҳада туб бурилиш оқиш бериди. Комплекс давлат сиёсати ва кент қўламини ислохотлар натижасида насос станциялари ва ирригация тизимлари модернизация қилинди. Энергия тежовчи ва замонавий технологиялар жорий этила бошланди.

Бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш, сув сарфи ҳисобини тартибга солиш, йўқотишларни камайтириш, мавжуд тармоқларнинг рақамли харитаси ва активларини жорий этиш ҳамда соҳада "яшил иқтисодиёт" қўламини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширишга киришилди.

Хусусан, сув истеъмоли ҳамда ресурсларни тақсимлашни назорат қилувчи автоматлаштирилган тизимлар йўлга қўйилди, сув ва электр энергияси йўқотишлари барча босқичларда сезиларли даражада камайтирилди. Устувор йўналишлардан бири сифатида сугорчи тармоқларини таъмирлаш ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш белгиланди. Энг асосийси, сув ресурсларини тежаш ва инфратузилмани модернизация қилиш ҳам асосий устувор йўналишга айланди. 2020-2024 йилларда ушбу мақсадлар учун бюджетдан 60 триллион сўм ҳамда 622 миллиард доллар хорижий инвестиция йўналтирилди.

Эришилган натижалар сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш ва инфратузилмани янада тақсимлаштиришни янги босқичга олиб чиқди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг

2025-2028 йилларга мўлжалланган дастури доирасида ижил давом эттирилмоқда.

Дастурига кўра, замонавий технологияларни татбиқ этиш эвазига ирригация тармоқларини реконструкция қилиш, ҳам манан, ҳам жисмонан эскирган ускуналарни алмаштириш, сув таъминоти даражаси паст майдонларни қисқартириш каби ишлар жаддалашди. Соҳани замонавий технологиялар билан қамраб олиш кенгайтирилди, каналларни бетонлаштириш даражаси сезиларли даражада ошмоқда.

Шунга қарамай, ернинг намлик йўқотиши, қурғоқчилик муаммосини бартароф этиш ва ҳар бир томчи сувдан мақсадли фойдаланишни таъминлаш ирригация тизимидаги асосий вазифа бўлиб қоляпти. Айниқса, Ўзбекистон шароитида бу масала алоҳида аҳамият касб этади.

Жорий йилга мўлжалланган давлат дастурида 504 минг гектар майдонда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш, 1,3 минг километр йирик магистрал каналлар, жумладан, сугорилиш тармоқлари ва ирригация объектларини бетонлаштириш назарда тутилган. Шунингдек, таъриба-синов тариқасида ҳудудларда каналларни босимли кубурга ўтказиш бўйича лойиҳани амалга ошириш, очиқ дренаж ва коллекторларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича алоҳида дастурни қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Экологик мувозанатни таъминлаш ва сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш бўйича ислохотлар "яшил иқтисодиёт"ни шакллантириш ҳамда табиий ресурсларни тежашга қаратилган устувор чораларни қамраб олади. Ушбу йўналиш доирасида илгор технологияларини жорий этиш ҳисобига 7 миллиард куб метр табиий газ тежаланиши, атмосферага 11 миллион тонна зарарли модда чиқишининг олди олинishi кўзда тутилган.

Бугунги кунда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар 2,6 миллион гектарга ёки суғориладиган ер майдонларининг 60 фоизига етди. 2017 йилгача бу кўрсаткич 19 минг гектарни ташкил этарди. Замонавий технологиялар ҳисобига ҳар йили 2,5 миллиард куб метр сув тежалишига эришилмоқда. Яқин йилларда сув тежовчи технологиялар қўламини 60 фоиздан 80 фоизга оширилади. Натижада



ҳар йили 3,5 миллиард куб метр сувни иқтисодни яхшилаш ва тақоррий экинларни сугорishi имконияти яратилади. Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш орқали тежаланган сув ресурслари сув таъминоти оғир ҳудудда жойлашган фермерларга кафолатли етказиб берилишига эришилади.

Бунинг учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сув тежовчи технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизми қўлланилмоқда. Хусусан, сув ресурслари учун солиқ ставкаси ва субсидиялар миқдори ер майдонининг сув билан таъминланганлиги ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, сув билан барқарор таъминланмаган ҳудуддаги сугориладиган ер майдонларида сув тежовчи технологиялар жорий қилинганда ажратиладиган субсидиялар миқдори 1,25 оширувчи коэффициент қўлланилган ҳолда ҳисобланади.

Бугун сувнинг катта қисми экан майдонларини сугорилишга сарфланмоқда. Бундай вазиятда кам сув сарфлаб, юқори самарага эришиш

катта илгма айланди. Шундай илмни пухта эгаллаган фермер ва деҳқонлар ҳосилдорликка юқори натижа, иқтисодий самарадорликка эришяпти.

Пахта далаларида томчилатиб сугорилиш орқали сув бевосита ўсимлик илдизига етказилапти. Бу нафақат ундан самарали фойдаланиш, балки экинларга бериладиган ўғитларни ҳам тежаш ва ҳосилдорликни ошириш имкони берапти.

— 107 гектарга томчилатиб сугорилиш технологиясини ўрнатганман, — дейди сирдарёлик фермер Абдулла Бегматов. — Натижада ҳажжатларим қарийб 65 фоиз қамайди. Сув харами эса 3 фоиз қисқарди. Қолаверса, минерал ўғитларини ўсимлик тўлиқ ўзлаштирмоқда. Мисол учун айтганда бўлса, ўтган йили 87 гектарда пахта етиштирилди. Ҳосилдорлик 80 центнерни ташкил этди. Бир йилда 2 миллиард сўмдан ортиқ даромад қилдик.

ер майдони учун 8 миллион сўмдан 14 миллион сўмгача субсидия берилмоқда. Бундан ташқари, сув солигининг 50 фоизи, беш йилгача ер солигидан озод этилган. Бу фермерлар учун жуда катта имоният.

Жорий йил 3 февраль куни давлатимиз раҳбарига сув ресурсларидан самарали фойдаланиш таъминлаш ҳамда сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш юзасидан ўтказилган тақдимотда бу борадаги ишлар қамровини янада кенгайтириш бўйича янги вазифалар белгиланган эди. Хусусан, 2028 йилга қадар суғориладиган ер майдонларининг саксон фоизига сув тежовчи технологияларни жорий этиш режалаштирилган.

Фермер ҳўжалиқларида бу йўналишда яна қатор имтиёзлар жорий этилмоқда. Жумладан, сув тежовчи технологияларни харид қилиш ва қуриш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоизларни қисман қоплаб бериш йўлга қўйилди. Ғўза майдонларида томчилатиб сугорилиш технологиясини жорий қилиш учун кредит маблағлари ҳар йили ноябрь ойидан бошлаб ажратилади. Сув тежовчи технологияларни қуриб берган пулрат ташкилотлари ҳар бир лойиҳага камида 2 йил кафолат муддати бериши ҳамда 5 йил давомида сервис хизматлари кўрсатиши мажбурий этиб белгиланмоқда.

Энг асосийси, соҳага илм-фан билан ёндашган ҳолда томчилатиб сугорилиш тизимини оммалаштириш бугун давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланяпти.

— Бундан саккиз йил олдин гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили олган фермерларни рағбатлантириш механизми йўлга қўйилган эди, — дейди сув ҳўжалиги вазири ўринбосари Рустам Қаршиев. — Уша вақтда бундай ҳосил оладиган фермерларни бармоқ билан санаса бўларди. Айни пайтда фермерларимиз 40 центнер ҳосил олишдан уялади. Чунки томчилатиб сугорилиш, замонавий технологиялар кириб келиши, давлат томонидан яратиб берилаётган шартот ва имтиёзлар натижасида пахтадан 55-80 центнергача ҳосил олинмоқда.

Шунингдек, сув тежовчи технологияларни кредит олмасдан, ўз маблағлари ҳисобидан ишга туширадиган ташаббускорларга субсидия

ажратишнинг янги тизими жорий этилади. Бунда тегишли лойиҳа-смета ҳужжатлари ва лойиҳани амалга ошириш бўйича таъминотчи корхона билан тузилган шартнома асосида субсидия маблағининг 50 фоизи Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан олдиндан ажратилади.

Эндиликда бошоқли дон экинларини етиштиришда томчилатиб ва дискрет сугорилиш технологиясини жорий қилинган майдонлар учун ҳам субсидия берилади.

Сув олиш жойларида сувни бошқариш ва ҳисобини юритишни тақимлаштириш мақсадида шולי етиштириладиган ҳамда балкиликлик ҳўжалиқлари ташкил қилинган ер майдонларида "ақлли" сув ўлчаш ва ҳисоблаш воситалари ўрнатилди. Улар "Сув ҳисоби" ахборот тизимига интеграция қилинади. Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлимлари ташкил этилади.

Тадбиркорлик субъектларида инспекция томонидан ўтказилган текширувларни ён-камералардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тартибни жорий қилинади. Инспекцияга қишлоқ ҳўжалиги экан майдонларидан сувдан фойдаланиш ва сув исрофини мониторинг қилиш учун дроилар қўллашга руҳсат берилади.

Сув тежовчи технологиялар қўлланилиши ва субсидия ажратилган ер майдонларида бундай технологиялар ёки уларнинг асосий қисмларини ишламасдан аниқланган сувдан сугорилиш сувдан ўзбошимчакли билан фойдаланиш деб баҳоланади. Тақдимотда фермерларнинг сув тежовчи технологияларни жорий этиш соҳасидаги манфаатлари ҳимосини қучайтириш мақсадида "Сувҳўжалиқназорат" инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан сув тежовчи технологияларни ўрнатиш билан боғлиқ масалалар юзасидан сулдарга даъво аризаларини киритишда давлат божидан озод қилиш таклиф этилди.

Соҳада қадрлар салоҳиятини ошириш — долзарб масала. Айни мақсадда "Сувчилар мактаби" лойиҳаси доирасида жорий йилда 10 мингта фермер ҳўжалиги ходимининг малакаси оширилади. 358 нафар сув ҳўжалиги ходими малака ошириш учун хорижа юборилади. Тежамкорликдан юқори ҳосилдорликка эришиш бугун барча ер эгаларининг тамойилиги, даромадини ошириш механизмига айланди. Бундай таъриба битта ҳўжалик ёки туманда эмас, балки бутун мамлакат бўйлаб жорий этиляпти. Умуман, мазкур чоралар экологик хавфларни камайтириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва аҳоли учун барқарор ҳамда соғлом яшаш муҳитини шакллантиришга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Темур тузукларидаги бошқарув тамойиллари ҳам айнан шу интеллектуал муҳит билан уйғун. У ишни тўққиз улуш кенгаш, бир улуш куч билан ҳал қилиш керак деган фикрни илгари сурган. Бу давлат бошқарувининг аниқ модели эди. У қарор қабул қилишда маслаҳатни устун қўйган, кучни эса сўнги чора сифатида кўрган.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Янги Ўзбекистон руҳи

Янги Ўзбекистонни юксалтириш учун керакли билимларни қаердан олиш мумкин десангиз, буларнинг барчаси — аجدодларимиз қолдирган меросда, илмда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти



Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ: ДАВЛАТНИ ҚОНУН, ЖАМИЯТНИ ИЛМ, ТАРТИБНИ АДОЛАТ УШЛАБ ТУРАДИ

назорат, қонунга суянган бошқарув. Бу қараш Темурнинг фақат кучли эмас, балки ҳисобдор ҳоким сифатида кўрсатади. Агар ҳукмдор ўзини қонундан юқори қўйса, давлат кўрқувга қурилади, агар қонун ҳукмдордан юқори турса, давлат ишончга қурилади. Темур тузукларининг моҳияти мана шу бурилишда. У кучни ҳурмат қилган, лекин кучни чегарасиз қолдирмаган. Қонунни устун қўйгани учун ҳам унинг давлатида тартиб ва интизом давлатчиликнинг ички қонунига айланган.

Бир ҳақиқат борки, ҳар қандай давлатнинг келажаги унинг мактаб ва мадрасага, устоз ва шогирдга, савод ва тафаккурга қандай қараш билан белгиланади. Темурийлар даврида бу масала

давридаги юксалишининг илдизи тартибга солинган давлат, билимга таянган бошқарув ва кадрларга асосланган жамиятдир.

Бу ерда бир муҳим савол бор: нега кўп-кўп кучли салтанатлар тарихда исиз йўқолган, Темурийлар эса маданий ва илмий мерос қолдирган? Жавоб ана ўша бир нуктага бориб тақалади: таълим ва илмга муносабат. Темурийлар даврида билим шахсий фазилатдан кўра, ижтимоий заруратга айланган. Давлат ўзини сақлаб қолиш учун, аввало, фикрлайдиган инсонларни тайёрлаши кераклигини англаган. Шунинг учун ҳам мактаб ва мадрасаларни кўпайтириш, мударрисларга маош тайинлаш, олимларни ҳимоя қилиш каби чоралар узоқни кўзлаган сиёсий қарорлар эди.

даврида илм-фан қандай даражага чиққанини яққол кўрсатади. Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, Улуғбекнинг илмий ютуқлари шахсий истевдод натижаси бўлиш билан бирга давлат томонидан яратилган шароитнинг ҳам маҳсулидир. Агар муҳит бўлмаса, истевдод ҳам тўлиқ очилмайди. Темурийлар даври эса айнан шундай муҳитни яратган.

Темурийлар даврида илм-фаннинг юксалиши маданият ривожини белгилаб берган. Бу ерда маданият жамиятни бирлаштирувчи куч сифатида намоён бўлган. Давлат сиёсатининг маданият билан уйғунлиги эса унинг барқарорлигини таъминлаган.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш керак: темурийлар даврида илм ва маданиятнинг ривожини ташкил қилган алоқалар кенгайишига ҳам хизмат қилган. Савдо йўллари тикланиши, дипломатик муносабатлар йўлга қўйилиши, турли халқлар ўртасидаги алоқалар кучайиши маданият ва илмий алмашинишни тезлаштирган. Бу эса жамият оқиқ тизимга айланганини кўрсатади. Оқимлик бўлган жойда тараққиёт тезлашади.

Агар бу жараёнларни бирлаштириб қарасак, темурийлар давридаги Ренессанснинг асл механизми очилди. Бу механизм жуда содда, лекин жуда самарали: давлат тартиб ўрнатади, тартиб барқарорлигини таъминлайди, барқарорлик илмга имконият яратади, илм маданиятни юксалтиради, маданият эса жамиятни тараққиётга олиб чиқади. Бу занжирнинг ҳар бир бугини муҳим. Агар шу бугинлардан бири узилса, бутун тизим издан чиқади.

Темурийлар даври бизга битта аниқ сабоқ беради: тараққиёт тасодиф бўлмай, у онгли равишда яратилган муҳит натижасидир. Илмни қўллаб-қувватламай туриб, маданиятни ривожлантириб бўлмайди, маданиятсиз жамият эса барқарор бўлмайди, барқарорликсиз давлат узоқ яшай олмайди. Темурийлар даври бу боғлиқликни англаган ва уни амалда қўлаган.

Тарих бизга тайёр жавоб бермайди, лекин аниқ йўналиш кўрсатади. Темурийлар даври ана шу йўналишлардан бири. У бизга давлатни билим билан, жамиятни тарбия билан, тараққиётни тасодиф билан эмас,



худди бугунгидек давлат сиёсати даража-сизга кўтарилади. Шаҳарлар ва қишлоқларда масжид, мадраса ва хонақоҳлар барпо этилган, мударрислар ва шайхларнинг маоши белгиланган, сайидлар ва уламо иззатланган, диний ҳамада дунёвий илмлар бирга ўқитилгани тасодиф эмас. Киши ўқимас экан, давлат ҳам бақувват бўлмайди. Шу сабабли темурийлар замонида билим инсон ҳурмат топди, бу ҳурмат эса жамиятга ақлнинг маъқени юксалтирди.

Қурилишлар, мадрасалар, кутубхоналар, расадхона ва меъморий ёдгорликлар ҳақида гапирганда, биз фақат тош ва гишт-ни тасвирламаймиз. Биз давлатнинг дунё-қарашини кўраёلمиз. Чунки ҳар бир мадраса келажакка қўйилган сармоя, ҳар бир расадхона оламни англашга қаратилган кадам, ҳар бир кутубхона хотирани сақлаш ва билимни кўпайтириш воситаси. Темурнинг Самарқандда илм аҳли учун шароит яратиши, уларни давлат газнасидан қўллаб-қувватлаши, бошқа ҳудудлардан олимларни жалб қилиши унинг сарфлаган маблағи эмас, топган келажаги бўлган.

Шу жиҳатлар билан биргача, Темур тузукларидан битта катта хулоса чиқади: давлат куч билан эмас, ақл билан, тартиб билан, қонун ва билим билан яшайди. Амир Темур шунинг англагани учун тарихда фақатгина забот этувчи эмас, давлатчилик меъморини сифатида ҳам қолди. Унинг мероси ҳарбий хайқирқидан кўра кўпроқ мадраса қўнғиротида, расадхона сукутида, кутубхона саховатида ва адолат руҳида намоён бўлади. Бугун янги Ўзбекистон учун ана шу мероснинг энг қиммат жиҳати бор: тараққиётнинг ҳақиқий йўли илмга суянган давлат, қонунга суянган бошқарув ва адолатга суянган жамиятдир. Темур тузуклари айнан шу ҳақиқатни асрлар орқали бизга қайта эслаб турибди.

Тарихда буюклини белгилайдиган бир мезон бор: ҳукмдор ўз даврини эмас, келажакни қандай шакллантиргани. Амир Темур ана шу мезонга жавоб бера олган кам сонли шахслардан. У қурган давлат бир неча асрга таъсир қилгани билан қимматли. Бу таъсирнинг маркази эса ҳарбий қудрат эмас, балки илм, таълим ва маданиятга таянган давлат сиёсати туради. Темурийлар

Темурийлар даврида таълим тизимига берилган эътиборни бир жиҳат билан тушуниш мумкин: бу даврда илмни ўрганиш мажбуриятга шаклланган. Шаҳзода ва маликаларнинг таълим олиши, ёш болаларни белгиланган вақтда мактабга бериш анъанаси, мадрасаларда диний илмлар билан бирга аниқ ва гуманитар фанларни ўқитиш жамиятда билимнинг қиймати оширган. Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, таълим инсонни фақат маънавий эмас, балки бошқарув нуктаи назаридан ҳам шакллантирган. Яъни билим инсон фақатгина ўқимчилик шакли бўлмай, давлатни бошқаришга тайёр кадр сифатида қаралган.

Темурийлар даврида таълим тизими учта асосий вазифани бажарган: аввало, давлат учун кадр тайёрлаш, иккинчидан, жамиятда ақл ва билимнинг нуфузини ошириш, учинчидан, турли ҳудудлар ва маданиятларни бирлаштирувчи интеллектуал муҳит яратиш. Бу вазифаларнинг барчаси бир-бири билан боғлиқ бўлгани учун таълим тизими давлат сиёсатининг марказий элементига айланган.

Уша даврдаги мадрасаларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак. Бу муассасалар фақатгина диний билим бериш маркази бўлибгина қолмай, ўша даврнинг илмий лабораторияси вазифасини бажарган. Математика, астрономия, мантқиқ, тарих, адабиёт каби фанлар бир жойда ўқитилиши билимни тармоқларга бўлмай, бир бутун тизим сифатида қабул қилинганни кўрсатади. Бу эса ўша давр учун жуда илгор ёндашув эди. Чунки турли фанлар уйғунлиги янги гоёлар пайдо бўлишига хизмат қилади.

Самарқандда шаклланган илмий муҳит бу сиёсатнинг энг юқори натижаси бўлди. Шаҳарга турли мамлакатлардан олимлар, усталар, меъморлар, мутахассислар жалб қилинган ҳақидаги маълумотлар тасодифмас. Бу онгли равишда юритилган интеллектуал сиёсат эди. Турли мактаблар ва анъаналарнинг бир жойда тўқнашиши эса янги гоёлар туғилишига олиб келган.

Мазкур жараён кейинчалик Мирзо Улуғбек даврида янада чуқурлашди. Улуғбек шахси Темур ақлининг муҳитининг табиий домини эди. Унинг расадхонаси, мадрасалари ва илмий фойлияти темурийлар

барқарорликка хизмат қилди. Бу барқарорлик асосида эса учта устун турди: илм, адолат ва тартиб. Илм қарорнинг сифати, адолат ҳокимиятнинг чегараси, тартиб давлатнинг устуни. Шу учала омил бир-бирини қўллаб-қувватлагани учун ҳам темурийлар даврида цивилизация юксалиш юз берди.

Бу ерда яна бир муҳим жиҳат бор. Темурийлар даврида давлат ва жамият ўртасида узилиш бўлмаган. Давлат илмни қўллаб-қувватлаган, илм эса жамиятни ривожлантирган. Жамият ривожлангани сайин давлатнинг пойдевори мустаҳкамланган. Шу ўзаро боғлиқлик бузилмагани учун ҳам тизим ишлаган. Агар давлат жамиятдан узилса, у фақат кучга таянади, агар жамият давлатнинг маданият билан уйғунлиги эса унинг барқарорлигини таъминлаган.

Иккинчи Ренессанснинг ҳақиқий моҳияти ҳам айнан шу ерда. У алоҳида шахслар ютуғи эмас, балки тизим натижаси. Мирзо Улуғбек каби алломалар пайдо бўлиши учун, аввало, муҳит керак эди. Бу муҳитни эса Темур яратган. Агар давлат илмга шароит яратмаса, истевдодлар яққа ҳолда қолади, агар шароит бўлса, истевдодлар мактабга айланади. Темурийлар даврида айнан шу ҳолат кузатилади — яққа истевдодлар тизимли илмга айланади.

Демак, темурийлар мероси бугунги кун учун ҳам долзарб. Чунки замон ўзгаргани билан тараққиётнинг асосий қонунилари ўзгармайди. Бугун ҳам давлатнинг кучи унинг табиий ресурслари бўлибгина қолмай, балки интеллектуал салоҳиятида. Бугун ҳам адолат бўлмаган жойда барқарорлик бўлмайди. Бугун ҳам таълимга эътибор бермаган жамият келажакни йўқотаяди. Темурийлар даври ана шу ҳақиқатларни бир неча асрлар олдин амалда исботлаб берган.

Темурийлар даврининг яна бир сабоғи кадр масаласи. Агар кадр билимли, масъулиятли ва адолатли бўлса, қонун ишлайди. Акс ҳолда, энг яхши қонун ҳам қозғоққа қолади. Темурийлар даврида таълимнинг марказий ўрин тутиши айнан шу эътибордан келиб чиққан. Бугун ҳам бу масала ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Илм-фан юксалиши тасодиф эмасди. Бу жараённинг ортида бир инсоннинг шахсий қизиқишидан кўра, балки аниқ шаклланган давлат сиёсати турган. Амир Темур илм аҳлини давлат бошқарувининг ажралмас



тизм билан таъминлаш мумкинлигини ўргатади.

Тарихни ўқинининг икки йўли бор: э уни эслаб қўйиш, э ундан хулоса чиқариш. Агар “Темур тузуклари”га фақат ўтмиш ёдгорлиги сифатида қарасак, у кутубхона жавонидида қолади. Агар давлат тафаккури сифатида ўқисак, у бугунги кунга хизмат қилади. Шу маънода, темурийлар даври амалий сабоқлар манбасидир.

Амир Темур яратган тизимнинг энг катта ютуғи шундаки, у қисқа муддатли ғалабалардан кўра, узоқ муддатли

қисмига айлантирган сиёсатчи сифатида ажралиб туради.

Унинг саройида фақат амалдорлар эмас, балки фикр эгалари — олимлар, мутафаккирлар, тарихчилар, файласуфлар ҳам йиғилган эди. Савдуддин Тафтазолий, Сайид Шариф Журжоний каби алломаларнинг Самарқандда фойлият юритиши бунинг яққол далилидир. Бу муҳитда илм ҳимоя қилинмаган — у ишлатилган. Темур олимлар билан мунтазам мулоқот қилган, улар билан баҳслашган, энг муҳими, давлатга оид қарорларда уларнинг фикрига таянган.

Бу ерда ҳал қилувчи жиҳат шундаки, Темур учун билим назарий қадрият эмасди. У уни амалий куч сифатида кўрди. Шу боис, тарих унинг энг севган фанларидан бирига айланади. Соҳибқирон ўтмишини ўрганиш орқали келажакни бошқариш мумкинлигини англаган. Ҳукмдор сифатида ўз қарорларини тасодифдан кўра, тарихий тажрибага таянган ҳолда қабул қилган. Шунинг учун сарой тарихчиларига воқеаларни бўрттирмадан, борича ёниш талабини қўйгани ўша давр учун ноёб интеллектуал ёндашув эди.

Темур даврида илм-фаннинг турли соҳалари бир вақтнинг ўзида ривожланиши ҳам айнан шу ёндашув билан боғлиқ. Меъморчилик ва муҳандисликда юксак иншоотлар барпо этилди, аниқ фанларга астрономия, ҳисоб-китоб, геометрия ва астрономия амалиётга кириб келди. Бу жараён кейинчалик Мирзо Улуғбек даврида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Улуғбек расадхонасида қилинган тадқиқотлар, “Зижи Қўрагоний” каби асарлар яратилиши — буларнинг барчаси Темур томонидан қўйилган илмий пойдеворнинг табиий давоми эди.

Бу ерда яна бир муҳим жиҳат кўринади: Темур илмни фақат марказда жамламаган, балки уни тизимга айлантирган. Самарқанд ва бошқа шаҳарларда мадрасалар барпо этилган, уларда диний билим бир қаторда дунёвий фанлар — математика, мантқиқ, астрономия, тарих, адабиёт ўқитилган. Катта кутубхоналар ташкил этилиб, турли ўлкалардан қўлэмалар йиғилган. Булар таълим ва билимга муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилганини англайди.

Темурийнинг таълимга қарашда ҳам стратегик ёндашув яққол намоён бўлади. У таълимни давлатни сақлаш воситаси сифатида кўрган. Шунинг учун келажак авлодини тарбиялаш, билимли кадрлар етиштириш сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу ерда таълим элита тайёрлаш механизмига айланганини кўраемиз.

Темур тузукларидаги бошқарув тамойиллари ҳам айнан шу интеллектуал муҳит билан уйғун. У ишни тўққиз улуш кенгаш, бир улуш куч билан ҳал қилиш керак деган фикрни илгари сурган. Бу давлат бошқарувининг аниқ модели эди. У қарор қабул қилишда маслаҳатни устун қўйган, кучни эса сўнги чора сифатида кўрган.

Шу билан бирга, у кадрлар масаласида мулқола прагматик йўл тутган. Мансабга тайинлашда насл ёки келиб чиқиш эмас, ақл, тажриба ва садоқат ҳам қилувчи мезон бўлган. Темур томонидан амалдорларга қўйилган талаблар — ақллилик, ҳалоллик, шижоат, сабр, адолат ва масъулият каби сифатлар давлат бошқарувининг ахлоқий кодекси сифатида хизмат қилган.

Бу барча фактлар бир нуктага олиб келаяди: Темур учун илм-фан, таълим ва адолат алоҳида соҳалар эмасди. Улар давлатнинг учта устуни сифатида қаралган. Илм — қарор сифати, таълим — кадр манбаи, адолат эса бошқарувнинг чегараси бўлган. Айнан шу уйғунлик темурийлар давридаги юксалишининг асл сабабидир.

Шу ергача айтилган катта фикрларни бир жойга йиғсак, битта барча хулоса келиб чиқади: темурийлар даври — кучли давлат, билимли жамият ва адолатли бошқарув уйғунлигининг намунаси. Бу уйғунлик бузилган давлат тизим издан чиқади, сақланганда эса тараққиёт давом этади. Шунинг учун ҳам “Темур тузуклари”ни фақат ўқиш эмас, тушуниш керак.

Бугун янги Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилаётган бир пайтда биз тарихга орқага қараш учун эмас, олдинга юриш учун мурожаат қилаемиз. Чунки тарих ўтганлар ҳақидаги хотира эмас, бугунги қарорлар учун ўлчовдир.

Амир Темур даври шу маънода биз учун аниқ мезонларни беради. Бу мезонлар оддий кўринади, ammo уларнинг ҳар бири давлат тақдирини ҳал қилади. Давлат илмга таянади, акс ҳолда, қарорлар кўр-кўрона қабул қилинади. Жамият таълим билан юксалади, йўқса, тараққиёт тасодифга айланади. Ҳокимият адолат билан мустаҳкамланади, куч эса ишончли алмаштирилади. Бу ушқик танлов эмас, зарурат. Чунки тараққиёт тизимдан пайдо бўлади.

Агар илм четга сурилса, давлат заифлашади. Агар таълим қадриятсизлansa, жамият орқага қайтади. Агар адолат йўқолса, ҳокимият ўз пойдеворини ўзи емира бошлайди. Мана шу нуктада “Темур тузуклари” ўзининг ҳақиқий аҳамиятини очади. У ўтмиш ҳақидаги ҳикоя эмас. У давлат қандай барпо этилиши, қандай сақланиши ва қандай юксалиши ҳақидаги амалиётдир. Амир Темурнинг буюклиги ҳам айнан шу ерда: у давлатни фақат қурмаган, балки унинг қандай ишлаши кераклигини белгилаб берган. Шунинг учун Темур мероси амалда ишлатилиши керак бўлган тафаккур сифатида намоён бўлаётир. Шу маънода, “Темур тузуклари” ўтмиш китоби эмас, балки келажакни қуриш учун ёзилган дастурдир.



ДЕНДРОЛОГИЯ БОҒЛАРИ

ҳаво тозалиги учун қанчалик аҳамиятли?

Саноатлашув ва урбанизация жадаллашган сари инсон яшайдиган муҳит табиий мувозанатдан узоқлашмоқда. Ҳаво сифати ёмонлашадиган, ҳарорат ошиб бораётган бир вақтда "Яшил" инфратузилма аҳоли саломатлиги, шаҳар муҳити барқарорлиги ва келажак ҳавфсизлигини таъминловчи стратегик омилга айланмоқда.

Юртимизда бу йўналишда муҳим ишлар қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Яшил макон" умумий миллий лойиҳаси доирасида Миллий дендрология боғини барпо этишга шарт бериши бу жараённинг амалий тус олганини кўрсатади. Бу ташаббус кўламазорлаштиришни шунчаки кўчат экиш даражасидан илмий асосланган, узоқ муддатли экологик тизим яратиш босқичига олиб чиқишга қаратилган.

Дендрология боғлари фақат манзара учун эмас, балки амалий аҳамиятга эга бўлган илмий майдондир. Уларда турли мамлакатлардан келтирилган дархат ва бутта турлари маҳаллий иқлим шароитида синновдан ўтказилади. "Яшни қайси дархат қуғроқчиликка чидамли, қайси бири совуққа бардош бера олади, қайси тур шаҳар шароитида — чанг, газ ва чекланган сув муҳитида яхши ўсади" каби муҳим саволларга жавоб айнан шу ерда топилади.

Натижада эса шаҳарлар ва қишлоқлар учун энг маъқул, яшовчан ва барқарор дархат турлари танлаб олинди, кўламазорлаштириш ишларида хатоларни камайтириш, ресурсларни тежаш ва экологик самарадорликни ошириш имконини беради.

Шу жиҳатдан дендрология боғлари шаҳарсозлик ва экология кесимида жойлашган ўзига хос илмий лаборатория вазифасини бажаради. Уларда олинган натижалар амалиётга жорий этилиб, кўчалар, боғлар, хиёбонлар ва турар жой массивларини кўламазорлаштиришда қўлланилади.

Рақамлар ортидаги стратегия

Бугунги кунда мамлакатимизда учта ботаника боғи мавжудлиги "яшил" инфратузилмани ривожлантириш борасида ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламини кенг эканини кўрсатади. Шу нуқтани назардан, "Яшил макон" доирасида 2028



Йилгача 12 та ботаника ва 16 та дендрология боғини ташкил этиш режаси стратегик жиҳатдан муҳим қадамдир. Бу ташаббус нафақат яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш, балки уларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишни ҳам назарда тутаяди.

Олдинлари кўчат экиш ишлари кўп ҳолларда умумий ёндашув асосида, муайян ҳудуднинг табиий хусусиятлари етарлича ҳисобга олинмаган ҳолда амалга оширилгани кузатилади. Бу эса айрим дархат турларининг мослаша олмаслиги, қуриб қолиши ёки қутилган самарани бермаслигига сабаб бўлган. Янги ёндашув эса айнан шу камчиликларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Энди ҳар бир ҳудуд учун кўчат танлаш жараёни илмий таҳлиллар асосида кечеди. Тупроқ таркиби, намлик даражаси, иқлимнинг ўзига хос хусусиятлари, шамол йўналиши, ҳатто шаҳар муҳитидаги экологик босим даражаси каби омиллар чуқур ўрганилади. Шу асосда энг мос, чидамли ва узоқ умр кўрадиган дархат ва буталар танлаб олинади. Оқибатда экиладиган кўчатларнинг яшовчанлигини ошириш, парвариш харажатларини камайтириш, энг муҳими, барқарор яшил ҳудудларни шакллантириш имкони юзга келади.

Барпо этиладиган боғ ва хиёбонлар фақат ташқи кўриниши билан эмас, балки экологик самарадорлиги билан ҳам ажралиб туради. Яъни улар ҳавони тозалаш, микроклимни яхшилаш, чанг ва шовқинни камайтириш каби муҳим вазифаларни узоқ муддат давомида барқарор равишда бажара олади. Шу маънода, мажбур рақамлар ортида оддий статистика эмас, илмий асосланган, узоқни кўзлаган ва тизимли экологик стратегия муҳим.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Барпо этиладиган боғ ва хиёбонлар фақат ташқи кўриниши билан эмас, балки экологик самарадорлиги билан ҳам ажралиб туради. Яъни улар ҳавони тозалаш, микроклимни яхшилаш, чанг ва шовқинни камайтириш каби муҳим вазифаларни узоқ муддат давомида барқарор равишда бажара олади.



Оптирик туманидаги "Зилол" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Қиличбек Аҳмедов 22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунини муносабати билан Президентимиз фармонида асосан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Қаҳрамонимизни маҳаллада, иш устида учрадиди. Суҳбат асосида биргаликда кўчама-кўча, хонадонма-хонадон кездик. Йўл-йўлакка қулоққа "Ҳоким ёрдамчиси келяпти" деган шивир-шивирлар чалинди. Катта-кичик уни таништи, ишоншти, мақсад ва режалари, бор масалаларни очиқ айтди. Ҳоким ёрдамчиси бу масъулиятли вазифага тайинланганда тижорат банкида турли вазифаларда самарали меҳнат қилган. Эл кўрган, давра танийдиган йигит эмасми, аҳоли билан тез тил топишади.

"Зилол" маҳалла фуқаролар йиғини Оптирик туманининг жанубида, қўшни Қирғизистонга туташ ҳудудда жойлашган. Маҳалла илгари тумандаги "огир" ҳудуд тоифасида эди. Саноат тармоқлари йўқ, томирқада деҳқончилик қилиш учун оқар сув



муаммо эди. Аксарият ёшлар учун кўмак берилди. Уч йилда маҳаллада 200 га яқин тадбиркорлик субъекти очилди. Юқори даромадли тармоқлар кўламини кенгайтирди. Маҳалладаги маънан эскирган уйларида яшовчи 33 оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Янги трансформатор, симёғоч ва тунги ёритиш қурилмалари ўрнатилди. Томорқаларни сув билан таъминлаш мақсадида 4 та қудуқ ишга туширилди.

Қишлоққа саноат олиб кирилмоқда. Бу олис маҳаллаларда ҳам хомашёдан қўшилган қиймат занжирини яратиш имконини

қонуний ишлаши учун кўмак берилди. Уч йилда маҳаллада 200 га яқин тадбиркорлик субъекти очилди. Юқори даромадли тармоқлар кўламини кенгайтирди. Маҳалладаги маънан эскирган уйларида яшовчи 33 оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Янги трансформатор, симёғоч ва тунги ёритиш қурилмалари ўрнатилди. Томорқаларни сув билан таъминлаш мақсадида 4 та қудуқ ишга туширилди.

Маҳалладаги 670 та хонадонда истикомат қилаётган 3385 киши тўлиқ хатловдан ўтказилди. Ҳар бир оила махсус



ИСЛОҲОТЛАР НАФАСИ ҲАР БИР ХОНАДОНГА КИРИБ БОРМОҚДА

платформага жойлаштирилди. Кейинги уч йилда 250 фуқарога 5,7 миллиард сўм кредит берилиб, 450 та янги иш ўрни яратилди. Ўз навбатида, 55 хотин-қиз ва ёш касб-хунарга ўқитилди. "Аёллар дафтари"даги 25 нафар опа-синглими "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури орқали ўз бизнесини йўлга қўйди. Норасмий секторда фаолият юритаётган 300 дан зиёд фуқаро "соя"дан чиқарилди. Улар

беришти. Натижада чекка қишлоққа янги ҳаёт нафаси кириб бориб, маҳалла ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айланиб борапти. Айни жараёнда маҳалладаги ҳоким ёрдамчисининг хизмати бекиёс.

— Тажрибамдан келиб чиқиб, ижтимоий дафтарлар рўйхатидаги оилаларни тадбиркорликка йўналтириш ва томорқадан унумли фойдаланишга ўргатишга жиддий эътибор қаратганман, — дейди Қиличбек. — Натижада иссиқхона, узум учун сўриток қуриш, чорвачилик, паррандачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича имтиёзли кредит эвазига фуқаролар бандлиги таъминланди. Бундан тўрт йил олдин маҳаллада бор-йўғи 9 та хонадонда иссиқхона бор эди. Ҳозир уларнинг сони 320 тага яқинлашди. Йилга икки-уч марта помидор ва бодринг етиштирилади. Маҳсулотнинг 80 фоизи етакчи тадбиркорлар томонидан Россия, Қозғистон ва Қирғизистонга экспорт қилинмоқда. Бу эса ҳар бир хонадонга йил мобайнида ўртача 100-150 миллион сўм даромад келтирилади. Камбағал, ижтимоий реестрга кирган оилаларни даромадли қилиш мақсадида улар сабоҳатли тадбиркорларга бириктирилади. Касб-хунарга ўқитилиб, экин ерлари ажратилапти. Охири уч йилда миграциядан қайтган, ижтимоий ҳимоя дафтаридаги киритилган 110 нафар ёш ва хотин-қизга 10 гектар экин майдони берилиб, "Бир контур — бир махсулот" тамойили асосида бодринг ва помидор етиштириш йўлга қўйилди. Экинни сув билан таъминлаш учун сўбидия асосида тик қудуқ қазиб берилди. Жорий йилда 102 та кичик тадбиркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйишни устувор вазифа қилиб олганмиз.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, бандлигини таъминлаш орқали аҳолини камбағалликдан қараши, фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотлар маҳалладаги ҳар бир

оила ҳаётида бўй кўрсатмоқда. Маҳаллада бодринг ва помидор етиштириш йўналишида "Зилол миришкор деҳқонлари" кооперацияси ташкил этилди. Улар ташаббус билан аҳоли ва фермерларга сархил уруғ етказиб бериш, етиштирилган маҳсулотларини далавнинг ўзидан сотиб олиш тизими йўлга қўйилган.

— Ҳоким ёрдамчиси уйимизга келиб, йўл-йўриқ кўрсатиб, даромадли лойиҳалар билан таништириб, пулгача ҳисоб-китоб қилиб бермоқда. Бу ташаббусларимизга қанот бўлди, — дейди Абдуқодир Раҳмонов. — Ислохотлар самарасини ўз оиламиз мисолида ҳис қиляпмиз. Илгари камбағал оила реестрида турардик. Бизга иссиқхона қуриш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Мана, икки йилдирки, эртаки бодринг экиб, даромад оляпмиз. Энди камбағал эмасман, ҳамма нарсаимиз етарли.

Дарҳақиқат, "маҳаллабай", "хонадонбай" ишлаш тизими раҳбарларни халқ билан яқинлаштирди. Аҳоли муаммоларини юзма-юз ўрганиш, аниқ ва манзилли ёрдам кўрсатиш имкониятини берди. Хизмат кўрсатиш йўналишларига имтиёзли кредит ажратиш орқали маҳалла ҳудудида 50 ўринли 2 та нодавлат мактабга таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди. Тикувчилик цехи очилди.

— Қиличбек маҳалланинг оғирини елкасига олганлардан, — дейди фуқаролар йиғини раиси Шуҳратжон Парпиев. — Мажбур муаммоларни ҳал этиш, йўл-йўриқ, ҳуқуқий маслаҳатлар беришга салоҳияти, билим ва тажрибаси етарли. Одамлар унга ишонади. Шу боис, ҳар бир муражаатга ижобий ечим топиш, кўмаклашиш, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

КИЧИК ШАҲАРНИНГ УЛҚАН САЛОҲИЯТИ

Мамлакатимиздаги тизимли ислохотлар, айниқса, ҳудудларни индустриал ривожлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишлар Навоий вилоятида ҳам самара бермоқда. Буни ҳудуднинг ҳар бир туман ва шаҳри мисолида кўришимиз мумкин.

Жумладан, Ҳозғон шаҳрида инвестиция дастурлари доирасида кўплаб лойиҳалар амалга ошмоқда. Булар нафақат саноат қувишни кенгайтириш, балки қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам янги имкониятлар яратишга қаратилган. Шу орқали аҳоли бандлиги таъминланиб, ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлиги кенгаймоқда. Муҳими, шаҳар инфратузилмаси зонавий талаблар асосида янгиланишига замин яратмоқда.

Ҳозғон бугун фақат табиий бойликлар билан эмас, балки янги саноат кластери, инфратузилмаси ва туризм имконияти билан ҳам юксалиб бормоқда. Утган 2025 йилда ҳудудий инвестиция дастурига асосан саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишида умумий қиймати 104,6 миллиард сўмлик 17 та лойиҳа ишга тушди. Натижада 114 та янги иш ўрни очилди. Жорий йилда эса умумий қиймати 155,5 миллиард сўмлик 25 та лойиҳа ишга тушади. Пировардида 170 та янги иш ўрни яратилиши режа қилинган.

— 2025 йилда Ҳозғон шаҳрида хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича белгиланган режа 138 фойз бажарилди, — дейди Ҳозғон шаҳри ҳокими ўринбосари Ўткир Бўронов. — Хорижийлар билан ҳамкорликда йўлга қўйилган корхоналарда ҳудуднинг асосий драйвери бўлган мрамр ва гранитни қазиб олиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш ишлари бажарилимоқда. Ушбу корхоналар маҳсулоти, асосан, қўшни давлатларга экспорт қилиниб ва ўтган йили унинг ҳажми 3 миллион доллардан ошди. Илгари Ҳозғон шаҳрида мрамр ва гранитни қазиб олиш, қайта тайёрлаш эски технологияларга асосланган эди. Ҳозир ҳудуднинг салоҳияти тўғри баҳоланиб, инвесторлар жалб қилинмапти. Натижада янги лойиҳалар билан бирга соҳага замонавий технологиялар ҳам кириб келди. Бу эса махсулот сифати, ишлаб чиқариш ҳажми ва янги иш ўринлари



сони ошишида муҳим омил бўлди. 2026 йилда Ҳозғон шаҳрида экспорт режаси 3 миллион 400 минг доллар қилиб белгиланган. Ҳозир экспорт имкониятларини кенгайтириш, янги хорижий бозорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида зарур ишлар олиб боришмоқда.

Ҳудудда мрамр ва гранит қазиб олиш, қайта ишлашга сармоядорлар жалб этилгани ишлаб чиқариш салоҳиятини янада оширяпти. Жумладан, қиймати 31,5 миллиард сўмлик гранит ва мрамр плиталар ишлаб чиқариш лойиҳаси тўғрисида тўғри хорижий инвестиция асосида амалга оширилган. Унинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 148 минг метр квадрат, йиллик экспорт ҳажми эса 150 минг долларни ташкил этади.

— Ўзбекистонда инвесторлар учун жуда қулай муҳит ва ишлаш учун етарлича шароит яратилган, — дейди ҳиндистонлик сармоядор Сунил Датт. — Биз асосан гранит тош ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз. Корхонамизда Ҳиндистондан келган етти мутахассис ва маҳаллий 45 ходим фаолият юритмоқда. Юртингизда гранитнинг турлари кўп. Уларнинг барчаси экспортб. Ҳозир корхонамизда гранит тош турли ўлчамларда тайёрланиб, Россия, Қирғизистон ва Қозғистонга экспорт қилинмоқда.

Ҳудудларда

Ҳозғон шаҳрида саноат билан бирга бошқа йўналишлар ҳам жадал ривожланмоқда. Шаҳарнинг қадим тарихи сабаб туризм имкониятлари ишга солиниб, ҳудуд улкан бунёдкорлик майдонига айланган.

Ҳозғон шаҳрининг Шайхон маҳалласидаги Шохмардон тарихий обидаси 1908-1913 йилларда, Бухоро амирлигида ҳукмронлик қилган мангитлар сулоласи даврида бунёд этилган. Мажмуа Ўзбекистон моддий ва маданий меросининг кўчмас мулк объектлари

Бундан ташқари, яқинда шаҳримизда туризм кўчаси ташкил қилиниб, қатор лойиҳалар йўлга қўйилди. Бу ерда ҳам, асосан, хотин-қизлар ва ёшлар иш билан таъминланди. Туризм кўчасида жорий йилда ҳам янги лойиҳалар ишга туширилиб, иш ўринлари яратилади.

Ҳозғон замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида бутунлай янги қиёфа касб этмоқда. Тоза ичкилик сув 19 километр масофадан ортиб келинди. Ички кўчаларга асфальт ётқизилди. Маъмурий бино ва маданий-маиший иншоотлар бунёд этилмоқда. Утган йили ҳудудда қатор янги ижтимоий соҳа объектлари ва саноат корхоналари ишга тушди.

— Сўнгги йилларда Ҳозғонда кенг қўламли қурилиш ишлари бажарилди ва жараён давом этмоқда, — дейди Ҳозғон шаҳри Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Низомиддин Аҳмадқулов. — Ҳозғон шаҳри янги ташкил этилгандан кейин маъмурий бинолар қуриш ва инфратузилмаларни яратиш эҳтиёжи бор эди. 2025 йилда ҳудудда нурунийлар маскани, адлия бўлими ва прокуратура бинолари қурилиб, кўрилганда 2 қаватдан ортиқ уй-жой ёки бошқа бино бўлмаган. Айни вақтда кўп қаватли уйлар қад ростламоқда. Муҳими, аҳоли бунёдкорлик ишлари ва янги инфратузилмадан мамнун.

Янги Ўзбекистоннинг янги шаҳарчаси — Ҳозғонда бугун улкан бунёдкорлик масканига айланган. Бу ерда амалга оширилаётган лойиҳалар аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ва ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган.


Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



Мазкур институт 1966 йил 26 апрель куни ташкил топган бўлиб, шу кунларда унинг 60 йиллик юбилейига кенг тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, 15-16 апрель кунлари пойтахтимизда “Кибернетика — замонавий сунъий интеллект пойдевори” халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтади.

Илм-фан тараққиёти

КИБЕРНЕТИКА — ЗАМОНАВИЙ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ПОЙДЕВОРИ




Мирзоян КАМИЛОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 23 августдаги “Ўзбекистонда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорларни муқофотлаш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, академик Васил Кабулов “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. У Ўзбекистонда кибернетика фанининг шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган етук олим, Фанлар академияси Кибернетика институтининг ташкилотчиси ва биринчи директори сифатида юксак эътироф этилади.



Анвархўжа ҚОДИРОВ, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти директори

киритилди. Кейинчалик ушбу бирлашма таркибда “Алгоритм” ҳамда “Тизимли тадқиқотлар” илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. “Кибернетика” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 3000 дан ортқ ходимни бирлаштирган эди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш бошқарувини уйғунлаштиришга қаратилган бундай тузилма республикада илк бор яратилган бўлиб, академик илм-фан доирасида ўзига хос ноёб модель сифатида эътироф этилган. Ёш мутахассислар тайёрлаш мақсадида “Кибернетика” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси иштирокида қатор олийгоҳларда кибернетика йўналиши бўйича ихтисослашган факультет ва кафедралар очилди. “Кибернетика” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари долзарб йўналишлар бўйича илмий мактаблар шакллантирди. Ушбу илмий мактаблар доирасида нефть-газ ва кончилик саноати, биокимёвий ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-иқтисодий тизимларни моделлаштириш, ахборотни тармоқли қайта ишлаш, технология жараёнларини бошқаришнинг интеграциялашган тизимларини яратиш, шунингдек, оптимал ва ўзини ўзи мослаштирувчи тизимлар назарияси соҳаларида масалаларни таҳлилий ва сонли ечишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда кибернетика фани ҳамда сунъий интеллект соҳаси ривожидagi набатдаги муҳим қадамлардан бири Президентимизнинг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида замонавий, янги типдаги Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Мазкур институт 1966 йил 26 апрель куни ташкил топган бўлиб, шу кунларда унинг 60 йиллик юбилейига кенг тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, 15-16 апрель кунлари пойтахтимизда “Кибернетика — замонавий сунъий интеллект пойдевори” халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтади.

таъминотни ишлаб чиқиш ишлари бошланди. Шу билан бирга, турли тартибли предикатлар мантиғига асосланган теоремаларни автоматик исботлашнинг интеллектуал алгоритмларини яратиш бўйича ҳам илмий тадқиқотлар ўтказилди.

Мазкур алгоритмларни амалда қўллаш мақсадида дастурий таъминот ишлаб чиқилиб, теоремаларни исботлашда қўлланиладиган аксиомаларнинг тўлиқ тизимини шакллантириш йўллари аниқланди. Шундай қилиб, ушбу муаммолар ечим бўйича эришилган натижалар ўтган асрнинг 60-йиллари охиридаёқ республикамизда сунъий интеллект соҳасидаги илмий тадқиқотлар шаклланишидан далolat беради.

Сунъий интеллект бўйича изланишлар ривожига Кибернетика институти олимлари томонидан тимсолларни таниб олиш, эксперт тизимлари, тасвирларни қайта ишлаш ҳамда мантиқий дастурлаш йўналишларида олинган фундаментал ва амалий натижалар ҳам муҳим туртки бўлди. Ушбу йўналишлар бугун сунъий

интеллект соҳасининг асосий илмий йўналишлари сифатида эътироф этилмоқда.

Ўтган асрнинг 70-80 йиллари Кибернетика институти фаолиятининг юксалиш даври бўлиб, у кучли илмий-техник базага эга йirik илмий-тадқиқот муассасасига айланди. Бу даврда республика автоматлаштирилган бошқарув тизими ҳамда тақсимланган ахборот-ҳисоблаш марказлари тармоғини яратиш ишлари бошланди. Институт ҳузурида Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси махсус лойиҳа-конструкторлик бюроси ташкил этилиши орқали тўлақонли илмий-ишлаб чиқариш базасини шакллантиришга асос солинди. Бюро негизда “Кибернетика” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Мазкур бирлашма таркибига Ўзбекистон Фанлар академияси Кибернетика институти, Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси бўйича махсус лойиҳа-конструкторлик бюроси, Республика автоматлаштирилган бошқарув тизими бўйича махсус лойиҳа-конструкторлик бюроси, шунингдек, тажриба-экспериментал завод



олимларининг саъй-ҳаракати қатор илмий муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Компьютерли кўриш йўналишида биометрик параметрлар асосида шахсни таниб олиш, масофадан зондлаш ва тиббий тасвирларга ишлов бериш, шунингдек, улардаги объектларни таниб олиш, табиий тилни қайта ишлаш йўналишида нутқни матнга, матни нутққа ўтказиш, нутқ асосида шахсни таниб олиш, матнларни интеллектуал таҳлил қилиш ҳамда ўзбек тили учун катта тил моделларини ишлаб чиқиш шулар жумласидан. Қолаверса, рақамли технологиялар йўналишида ақли тизимлар ва буюмлар интернетини ривожлантириш, машинавий ўқитиш

яратиш билан боғлиқ мураккаб илмий-техник муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Институт олимлари жамоаси қатор долзарб фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириб, муҳим илмий натижаларга эришди ҳамда Ўзбекистонда рақамли соҳани ривожлантиришда амалий қўлланаётган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқди. Бу эса институтнинг замонавий сунъий интеллект технологиялари ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш соҳасидаги етакчи илмий марказлардан бири сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, янги Ўзбекистоннинг барқарор инновацион ривожланишига хизмат қилмоқда.

СОҒЛОМ КЕЛАЖАК АСОСИ

Бугунги шиддатли даврда соғлом миллат ва жисмонан баркамол авлодни тарбиялаш нафақат тиббий масала, балки умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилди. Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ҳам айнан шу мақсадга — соҳани янги босқичга олиб чиқиш, оммавий спортни халқимизнинг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ҳамда селекция тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Камолот пиллапояси



Бундан ташқари, барча таълим даргоҳларида ҳафтанинг бир кунини “Спорт кунини” деб эълон қилиниши, ёшлар ўртасида кросс-фит каби замонавий ва оммабоп машғулотларни кенг ёйиш орқали ҳақиқий соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш вазифаси юклатилди.

Шу ўринда “маҳалла — мактаб — спорт муассасаси — федерация” узлуксиз занжирининг аҳамияти бекинди. Талабаларни спорт тўғриварида жалб этиш орқали дуал таълим асосида мураббийлар тайёрлаш ва улғайга қўшимча имкониятлар яратиш тизими йўлга қўйилди. Соҳага фақатгина жисмоний машғулу сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва иқтисодий самардорлик нуктага назардан ҳам қараш вақти келди.

Ушбу устувор вазифалардан келиб чиқиб, Наманган давлат техника университетига спорт йўналишидаги ишлар мутлақо янгида тизим асосида қайта ташкил этилмоқда. Биз талабаларнинг оммавий спорт билан қамровини

ошириш бўйича ўзимиз учун аниқ мақсад ва кўрсаткичларни белгилаб олдик. Университетдаги мавжуд спорт тўғривари фаолияти тўлиқ инвентаризациядан ўтказилиб, уларнинг натижадорлиги доимий мониторинг қилиб борилади. Ёшлар орасида оммавийлашган кросс-фит ва бошқа замонавий спорт турларини олийгоҳимизга киритиш орқали талабаларнинг фаоллигини ва спортга қизиқшини янада оширишни мақсад қилганмиз.

Мавжуд спорт инфратузилмасидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, иқтидорли талаба спортчиларни кашф этиб, уларни профессионал спорт сари йўналтириш кундалик ишмизга айланади. Худудий спорт ташкилотлари ва федерациялар билан ҳамкорликни кенгайтириб, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этамиз. Зеро, талаба ёшларнинг соғлом ва жисмонан баркамол бўлиб етишиши уларнинг келажақда ўз соҳасининг етук, фидойи ва кучли мутахассислари бўлиб етишишида энг муҳим пойдевордир.

Ҳамкорлик

Яқинда Малайзиянинг Мелака шаҳрида Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Малайзия фан ва таълим вазирлиги, юртимизнинг Малайзиядаги элчихонаси, Бухоро давлат техника университети ҳамда Мелака техника университети ҳамкорлигида “Малайзия — Ўзбекистон: биринчи халқаро олимпиа аёллар форуми” ташкил этилди.

МАЛАЙЗИЯ — ЎЗБЕКИСТОН: БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ОЛИМА АЁЛЛАР ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ

Инсон ҳаёти, жамият тараққиёти-ни хотин-қизларнинг самарали фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда Ўзбекистонда илм-фан соҳасида 61 фойиз олийгоҳларда тахсил олаётган қизлар сони 904 мингдан ошиб, жами талабаларнинг 54 фойизини ташкил этипти. Стажёр-тадқиқотчилар ва докторантурада тахсил олаётганларнинг ҳам 61 фойиз хотин-қизлардир. Бу эса юртимизда уларнинг илм-фан ривожидаги ўрни, инновацион голялари ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришдаги аҳамияти ошадиганини кўрсатади. Мазкур ҳамкорлик илм йўлидаги хотин-қизларни янада руҳлантириб,

халқаро доирада нуфузини оширишга хизмат қилади.

Тадбир доирасида кенг қўламли бизнес-форум, шунингдек, Ўзбекистон — Малайзия фан, таълим ва маданият кўргазмалари ташкил этилди. Мазкур платформалар турли ҳудуддан борган олий таълим муассасалари вакилларига илмий салоҳияти, инновацион ишланмалари ва таълим имкониятларини Малайзия аудиториясига кенг намойиш этиш имконини берди.

Кўргазмалар давомида икки давлатнинг бош тарихий мероси, миллий қадриятлари ва ўзига хос маданиятини акс эттирувчи ранг-баранг экспозициялар



Садоқат СИДДИҚОВА, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент


ҳамда замонавий ёндашув асосида ташкил этилган тематик стендлар намойиш этилди. Кўргазмалар форум иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотиб, илмий ва таълимий алоқалар билан бир қаторда маданий-гуманитар ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Форумнинг фойдали жиҳати Ўзбекистон ва Малайзия олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари ҳамда делегациялари фаол иштирок этиб, самарали ҳамкорликка асос яратганида ҳам яққол намойиш бўлди.

Тадбирда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган 30 га яқин муҳим келишувга эришилди. Жумладан, Бухоро давлат техника университети ҳамда Султон Идрис номидаги таълим университети, Тун Хуссейн Онн номидаги Малайзия университети ҳамда Мелака техника университети ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Мазкур келишувлар олий таълим тизимида тажриба алмашиш, қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, академик мобилликни ошириш ҳамда замонавий таълим дастурларини жорий этишда муҳим аҳамият касб этиди.



Ушбу масжид мухташамлиги, маҳобати, жозибаси, гўзаллиги билан Макка, Мадина, Абу-Даби, Жакарта ва яна кўплаб шаҳарлардаги масжидлардан асло қолишмайди.



"АМАЛЛАР НИЯТЛАРГА БОҒЛИҚДИР"

Самарқандга биринчи марта ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирида — талабалик пайтида курсдошлар билан борганимиз ва бу қадимий шаҳардаги барча тарихий обидани ҳайрат билан томоша қилганимиз. Регистон майдони, Гўри Амир мақбараси, Бибиҳоним масжиди, Шохизинда мажмуаси, Улуғбек расадхонаси ва бошқа ёдгорликлар ўзининг салобати, ҳайбати, гўзаллиги билан ҳаммамизни мафтун этган. Шу билан бирга, минг йилларнинг гувоҳи бўлган бу мухташам бинолар аста-секин нураб, хароб бўлиб бораётганига ачиниш билан қараганмиз.



Тан олиб айтишимиз керак: ўша пайтда журналистика факультети талабаси бўла туриб, диний билимга эга эмасдик. Шўролар конституциясида диний эътиқод эркинлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, зиёлилар, айниқса, ёш авлод бу масалада домий назоратда эди. Масжидга бориш, қабристонларни зиёрат қилиш совет кишига хос бўлмаган фазилат эди. Улуғ муҳаддисларимиз, диний арбобларимиз ҳақида умуман маълумот берилмасди. Ваҳоланки, бир ярим минг йиллик ислом тарихини, илм-маърифатини юртимиздан етишиб чиққан буюк олим уламоларнинг асарлари, номларини сиз тасаввур этиш асло мумкин эмас.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан халқимиз ўзининг ўтмишини, бир неча асрларга бориб тақалуви давлатчилик тарихини, жаҳон илм-фани ва тараққиётига ҳисса қўшган буюк боболари меросини, улар босиб ўтган шонли йўлни ўргана бошладик. Қуръони каримни, ҳадиси шарифни мутлоа қилиш имкони туғилди. Хусусан, ислом оламнинг буюк сиймолари Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Бурхониддин Маргиноний, Абу Мансур Мотуридий қабиларнинг асарларини ўқиб имкони пайдо бўлди. Хуллас, аста-секин тарихимизни ўрганиб, боболаримизни таний бошладик.

Тўқсонинчи йилларнинг охирида Самарқанд вилояти Пайарик туманида "ҳадис илмида мўминлар амираи" деган шарафли номга сазовор бўлган аломо Имом Бухорий қабри атрофида мажмуа қуриш ишлари бошланди. Албатта, бу ишшоотнинг қурилишига қизиқиш

жуда кучли эди. Чунки мустақиллик йилларида биринчи марта дин вакилига шундай улкан ҳурмат кўрсатилаётган эди. Илк бор у мангу қўн топган манзил обод гўшага айлантирилаётган эди.

Тез орада мажмуа ўша давр талабаларига муносиб даражада барпо этилди. 1998 йили улуғ муҳаддис таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан тантанали очилди. Шундан сўнг мажмуани кўргани, Имом Бухорий қадимжосини зиёрат қилгани юртимизнинг турли ҳудудидан, хорижий давлатлардан кўнлиб меҳмонлар кела бошлади.

Шу ўринда бир савол туғилади: нега шунча пайт юртошларимиз учун табаррук бўлиб келган зиёратгоҳни кейинги йилларда қайтадан қуриш зарурати пайдо бўлди? Бунга асос бормиди? Ҳа, асос бор эди. Бунинг бир неча сабаби мавжуд. Аввало, орадан салкам ўттиз йилга яқин вақт ўтди. Давр сисиласида бино таъмирташиб бўлиб, замонавий талабларга жавоб бермай қолди.

Иккинчидан, кейинги ўн йилда Ўзбекистон дунёга эшикларини очди. Ҳозир жаҳоннинг юзлаб мамлакатидан юртимизга миллионлаб сайёҳ келипти. Улар ўлкамизда яшаб ўтган улуғ аломолар мангу қўни топган манзилларни зиёрат қилишни истайди. Маълумотларга кўра, ўтган йили Ўзбекистонга 11,7 миллион сайёҳ келган. Бу 2024 йилга нисбатан 3,7 миллион кўп дегани. Бошқача айтсак, бугун Ўзбекистон сайёҳлик энг тез ривожланаётган давлатлардан бирига айланди. Айниқса, зиёрат туризми юқори суръатда ўсиб

Бухорий ҳазратларининг руҳи покларига яна бир бор ҳурмат-эҳтиром бажо келтирмоқдамиз. Бухорий бобомиз Қуръони каримдан кейинги энг мўтабар манба бўлган ҳадислар китобини яратиб, бутун ислом оламида шуҳрат қозонган улуғ сиймоидир. Муҳаддас заманимиз дунёга мана шундай машхур аломани бергани билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди", деди Президентимиз мажмуага ташрифи чоғида.

Яқинда Туризм қўмитаси ва Журналистлар уюшмаси ташаббус билан Имом Бухорий мажмуасига медиатур уюштирилди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда блогерлар мажмуанинг қурилиш тарихи, зиёратчилар учун яратилган шароит ҳамда имкониятлар билан ақиндан танишди. Бу ерга келган сайёҳлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрлари ҳамда таассуротларини эътибор оlishди.

Ушбу мухташам ва ноёб зиёратгоҳ бугун янги Ўзбекистоннинг улкан имкониятларини дунёга намойиш этмоқда. Ушбу мажмуа юртошларимиз, шунингдек, дунёдаги барча мўмин-мусулмонлар учун эзгулик ва маърифат нурини таратувчи улуғ масканга айланди.

Бинога ёндош жойдаги 15 гектар майдонда битта тўрт юлдузли, иккита уч юлдузли меҳмонхона қурилиб, замонавий инфратузилма яратилган. 176 ўринли 22 та оилавий меҳмон уйи ва сервис нуқталари зиёратчиларга юксак савияда хизмат кўрсатмоқда.

Мажмуа кунига 65 минг зиёратчини қабул қилиш қувватига эга. Илгари бу кўрсаткич 12 минг эди. Зиёратгоҳ 45 гектар майдондан эгаллаган. 10 минг кишига мўлжалланган улкан

"Муборак Рамазон ҳайити арафасида буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом



масжидга Рамазон ҳайити намазида 65 минг намозхон келганининг ўзи келгусида бу мажмуа ислом оламида энг табаррук масканлардан бири бўлиб қолишига ишонч уйғотади.

Ушбу масжид мухташамлиги, маҳобати, жозибаси, гўзаллиги билан Макка, Мадина, Абу-Даби, Жакарта ва яна кўплаб шаҳарлардаги масжидлардан асло қолишмайди.



Мажмуа таркибидagi музей медиатур қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Тўққиз павильондан иборат, энг илгор ахборот технологиялари ўрнатилган бу ноёб инновацион музейда муҳаддислар султониининг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссаси тўла қамраб олинган. Музейда Қуръони каримда исми зикр қилинган 25 пайгамбар тарихи, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажараси, ҳаёти, ҳадисларнинг жамлангани ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар бор.

Улуғ муҳаддис ўн ёшидан бошлаб ҳадисларни мутлоа қилиб, ёдлаган ва тўплаган. Ўн олти ёшида онаси ва акаси билан Ҳижозга йўл олган. Қирқ йил Макка, Мадина, Дамашқ, Коҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшаб, у жойлардаги машхур олимлардан ҳадис билан бир қаторда фикҳ илмидан таълим олган. Шу йилларда у яёв ва отлик 13 минг 900 километр масофани босиб ўтган.

Медиатур давомида анчадан буён ўйлан-триб келатган бир саволга жавоб берилди. Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ислом

дини, шарият қондаларига қатъий амал қилган, дин пешволарига чуқур ҳурмат кўрсатган, мусулмон дунёси бирлигини сақлашган интилан. Фақат Самарқанддагина эмас, бошқа юрларда ҳам кўплаб масжид ва мадрасалар қурдирган. Туркистонда Соҳибқирон ташаббуси ва маблаг ҳисобига қад ростлаган, маҳобати билан бугун ҳам кўпчиликини ҳайратга солаётган Аҳмад Яссавий мақбараси гапимизга яққол мисолдир.

Мени ўйланттирган савол бундай эди: Амир Темур Имом Бухорий шахсига, қабрига эътибор берганими? Бирор бино қуриб қолдирганими? Ахир улуғ муҳаддиснинг ислом оламидаги ўрни жуда юксак эканини буюк саркарда яхши биларди-ку.

Мажмуа ҳузурдаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг қўлёзмалар билан ишлаш ва музей бўлими илмий ходими Йўлдошхон Исаев бу саволга қуйидагича жавоб берди: — Амир Темур Имом Бухорийни чуқур ҳурмат қилган. Унинг қабри устига мақбара ҳам қурдирган ва лекин йиллар ўтиши билан у йўқ бўлиб кетган бўлиши мумкин. Бу менинг тахминим. Чунки алломанинг қабри атрофида қазини ишлари бажарилганда у ердан XV-XVI асрларга оид гиштлар топилиган.

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон "Тафаккур" журналининг 2022 йил 2-сонда босилган "Сукунатни бузган сас" мақоласида ливанлик аломо Шайх Надим ал-Жисрининг 1956 йили Самарқандга, Имом Бухорий қабри зиёратига келгани ҳақида ёзар экан, ўша пайтда бу ерда хароб аҳволдаги масжид ва мақбара бўлганини айтиди. Хуллас, бу масала ҳали тадқиқотчилар томонидан тўла ўрганилиши лозим.

Халқаро илмий-тадқиқот марказида бўлганимизда Йўлдошхон Исаев яна бир гапни алоҳида таъкидлади. Шарқда қўлёзмалар асосан қамишда ёзилган. Лекин бизда кўпгина кино, тасвирий санъатдаги тарихий лавҳаларда сийёхон ёнига куш патини чишилади, қўйишади. Бу хато. Куш пати Фаррга, Европага хос нарса.

Марказда журналистларни деворда осилдик турган бир папка сурати ҳам қизқитди. "Бу жизгу, — деди Йўлдошхон Исаев. — Биласизлар, ҳозир раҳбарларга имзо учун кириштирилган ҳужжатлар махсус папкага солиб, олиб кирилади. Бу нарса бизда Бухорий даврида бўлган. Тарихий манбалар бунинг исботидайди. Мазкур суратда ўша жизгу тасвирланган. Тўғриси айтсам, европаликлар бу нарсани ҳам Шарқдан ўрганишган".

Давлатимиз раҳбири бундан бир неча йил олдин Имом Бухорий мажмуасини бобомизнинг мақомига, мавқеига мос ҳолда қайта қуриш ниётида ташаббус кўрсатган эди. Улуғ муҳаддис тўплаган саҳиҳ ҳадислар орасида "Амаллар ниётларга боғлиқдир" деган ҳадис бор. Президентимизнинг ушбу эзгу ниёти бугун амалга ошди, мухташам мажмуа қад ростлади. У минглаб, миллионлаб зиёратчиларни, сайёҳларни ўз бағрига чорламоқда.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Орамиздаги одамлар

СУВ ЁҚАЛАБ ЎТАЁТГАН УМР

Сув ҳаёт демакдир. Ҳар бир томчи сув ортида кўринмас меҳнат, юрт risksи ва дехдон умиди мувоассам. Ана шу неъматни асраб-авайлаш, ҳар бир томчисини манзилига етказиш учун умрини бағишлаган фидойи инсонлар бор.


Улардан бири — "Мирза-Пай" ирригация тизими бошқармаси каналлари катта муҳандис-гидротехник Облоқул Абдулазизов. У ўтган йили Президентимиз фармониюга мувофиқ, "Дўстлик" ордени билан мукофотланди. Фидойи ирригатор билан яқиндан танишиш ниётида Жомбой туманидаги сув иншоотлари томон йўл олдик. Каналлар бўйлаб юриб, мўжазгина сувчилар биносини ёнига етиб борганимизда одмигина кийинган бир киши ҳафсала билан дарахт бутаетгани устидан чиқдик. Салом-аламдан сўнг у самимий табассум билан: — Келингизлар, Облоқул немман, — деди. Ростини айтсам, бир оз ҳайрон қолдик. Чунки уни жуда сипо, жиддий қиёфада тасаввур қилган эдик. Аммо рўпарамизда турган кишининг камтаринлиги ва меҳнатқашлиги шуңоқ кўриниб турарди. Облоқул ака билан бирга сув йўллари, каналлар, ариқлар, турли сув иншоотларини кўздан кечириб эканмиз, у ҳар бир сув йўли ҳақида катта иштиёқ билан сўзларди. Қайси ариқ қачон қазилгани, қаеридан сувнинг йўли ўзгаргани, қаерда таъмир кераклиги — барчасини батафсил тушунтириб беради. Суҳбат давомида қаҳрамонимизнинг сув хўжалигидаги 45 йиллик тажрибаси, чуқур мулоҳазалари ва меҳнатга муҳаббати яққол намойиш бўлиб борарди.

Энг муҳими, Облоқул аканинг самимияти ва инсонпарварлиги қалбимизда илиқ таассурот қолдирарди. У жонқурлик билан айтаётган ҳар бир сўзида сувнинг аҳамиятини юрт тақдирини, дехдон risksи, одамлар ҳаёти билан боғларди. "Сув бор жойда ҳаёт бор", дерди ҳар икки гапнинг бирида ва обихаётнинг қадрига етиш кераклигини қайта-қайта таъкидларди.

Илк кўрганимдаёқ бу инсон негидар менга японларни эслапти юборди. Чунки Облоқул ака биз кўнликкан "муқофот олган" атоқли инсон образига унчалик мос келмасди. Унда кўтаринки дабдаба ёки расмий салобатдан кўра камтарлик ва меҳнатга садоқат кўпроқ намойиш эди. Шу жиҳатлари билан у кинолардаги меҳнатқаш, хокисор япон қаҳрамонларини эслатарди: ишига берилган, ортиқча сўздан қочадиган, аммо қилган иши билан катта ҳурмат қозонадиган инсон. Қизиги, Облоқул аканинг ёши 60 дан ошган бўлса-да, йигитлардек эпчил, чаққон. Канал бўйлаб юрарканмиз, баъзан ортда қолиб кетардим. У эса илдам одимларди. — Кўнига 15-20 километр масофани пиёда босиб ўтаман. Канал ва ариқларга замонавий сув ўлчаш мосламаларини ўрнатганмиз. Шуларни мунтазам кўздан кечириб тураман. Улар сувни тўғри тақсимлаш, тежашда жуда қўл келади, — дейди қаҳрамонимиз.

Қишлоқ хўжалиги барқарорлиги, юрт дастурхони файзу баракаси ва умуман, ҳаётимиз фаровонлиги сувга бевосита боғлиқ. Уни тежаш эса бугуннинг долзарб вазифаси. Ана шу мақсадда қилинаётган муҳим ишлардан бири — ариқ ва каналларни бетонлаштириш. Бу ҳақда Облоқул ака қимматли фикрларини билдиради: "Ариқ ва каналларни бетонлаштириш Ўзбекистонда сув ресурсларини

тежашнинг энг муҳим ва стратегик йўналишларидан. Ҳисоб-китобларга кўра, бетонланмаган ариқ ва каналларда сувнинг тахминан 36 фоизинг ҳеч қандай иқтисодий самара бермай, ер остига сингиб ёки буғланиб кетади. Бу эса катта ресурс йўқотилиши демакдир. Натигада сувга муҳтож дала-лар, экинзорлар ва боғ-роғлар етарлича ҳосил бермайди".



Суҳбат давомида Облоқул Абдулазизовнинг фикрлари, чуқур мулоҳазасида ҳар томчи сув учун масъулият туғуси сезилиб турарди. — Биласизми, тупроқ ўзали ариқларда сувнинг катта қисми ер остига сингиб кетади. Бетон қоплама эса бу йўқотишни 95-98 фоизгача қамайтиради, — дейди ҳамроҳим.

Унинг айтишича, ариқларни бетонлаш нафақат сувни тежаш, балки унинг самардорлигини оширишга хизмат қилади. Бетон юзаси силлиқ бўлгани сабабли сув оқимининг гидравлик тегили ортади. Шу боис, сув манзилига тезроқ етиб боради. Сувнинг йўлда кам вақт сарфлаши эса яна бир муҳим омилга — буғланишнинг қамийишида жуда муҳим. Натигада бир томчи сув ҳам қадрли бўлган бугунги шароитда ҳар қатрадан унчولي фойдаланиш имконияти юзга келади. Яна бир жиҳати шуки, бетонланган ариқларда лойқаланиш ва ўт босиши анча қамаяди. Тупроқ ўзали ариқларда эса сув оқими билан келган майда чўкиндилар тез тўпланиб, ариқнинг ўтказувчанлигини пасайтиради. Бундан ташқари, ўт-ўланлар тез қўپайиб, сув йўлини тўсиб қўяди. Бетон қопламали ариқларда эса бундай муаммо дегусли кузатилмайдми. Шу сабабли уларни тозалашга ҳам анча кам куч ва маблаг сарфланади. Мувоассамлар ҳисоб-китобига кўра, бетонланган ариқларда

таъмирлаш ва тозалаш харажати оддий тупроқ ариқларига нисбатан 3-4 бараваргача қамаяди. Қисқаси, ариқларни бетонлаш фақат қурилиш жараёни эмас, балки сувни асраш, уни адолатли ва самарали тақсимлаш йўлидаги муҳим қадам экан.

Канал ва сув йўллари айланиб чиққанимиздан сўнг сувчилар уйига қайтдик. Бинога кирганимизда деворга сувга қўйилган эски чолғу асбоби кўринди. Табиийки, бу жойда, қандай чолғунини қуриш бир оз кутимлаган ҳол. Қизиксиниб қараб турганимизни пайқаган Облоқул ака жимлайди: — Зериккан пайларим чалиб тураман, — деди.

Ундан бирор қўшиқ ижро этиб беришини сўраган эдик, Облоқул ака аввал бир оз кудди. Сўнг чолғу асбобини қўлига олди. Бармоқлари тор устида енгил юра бошлади ва қўнвоқ қўшиқдан хиргойи қила кетди. Табиат қўнида: сал нарида шоувуллаб оқаетган канал, баҳорнинг илиқ шабадаси ва майин муслика садоси ўзаро уйғунашиб, атрофга ажиб ва дилбар кайфият бағишлар эди. Гўё бу қўшиқларда қаҳрамонимизнинг бутун умри — меҳнати, самимияти ва ҳаётга муҳаббати акс этгаётгандек эди. У билан хайрлашиб, канал бўйлаб ортага қайтар эканмиз, сувнинг сокин шоувуллаши ва сал аввал бизни мафтун этган оҳанг гўё ҳали ҳам янграб тургандек эди.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
журналист

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти) ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-446.
30837 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Аслиддин Абдуразоқов
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмуродов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 03:50 Тошхирлиди — 03:50

